


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ўзбекистон тарихи кафедраси

Эрбўтаева Ўғилой Суюновна



**Амир Темур ва Темурийлар даври» мавзусини
ўрганишда замонавий педагогик технология ва
интерфаол усуллардан фойдаланиш»
(ўқув-услубий қўлланма)**

Гулистон – 2007

Эрбўтаева Ў.С. Амир Темур ва Темурийлар даври” мавзусини ўрганишда замонавий педагогик технология ва интерфаол усуллардан фойдаланиш. Ўқув-услубий қўлланма. Гулистон:ГулДУ, 2007. 55 б.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги трихида муҳим ўрин тутган Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи бир катор манба ва адабиётлар асосида ёритиб берилган. Қўлланмада мавзунини замонавий педагогик ва ахборот коммуникациятехнологияларини қўллаб ўрганиш борасида тавсиялар келтирилган. Айрим интерфаол усулларидан фойдаланиб машғулот ўтказиш йўллари кўрсатилган.

Қўлланма олий таълим тизимининг барча бакалаврият йўналишлари талабаларига, «Ўзбекистон тарихи» ўқитувчиларига, малака ошириш институтлари ижтимоий фанлар кафедраси ходимлари ва малака оширувчи тарих ўқитувчиларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор
М.М. ИСҲОҚОВ

Такризчилар: тарих фанлари доктори, профессор
З. ИШОНХЎЖАЕВА
тарих фанлари номзоди, доцент
И. БАРАТОВ

© Гулистон давлат университети, 2007

МУҚАДДИМА

Мустақил Ўзбекистон кун сайин ўсиб-улғайиб, куч-қудратга тўлиб бормокда. Миллий давлатчиликнинг тикланиши халқимиз тақдирида мислсиз аҳамият касб этди. Ўзлигини англашга бел боғлаган ҳар бир халқ ва миллат аввало буюк аجدодлари, сиёсий, ҳарбий арбоблари в алуғ алломаларининг мамлакат, қолаверса, жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини эъзозлашни ўрнига кўяди, бошқаларга ҳам уни эътироф эттиради. Биз тутган йўл Буюк Соҳибқирон Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Исо ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Нажмиддин Кубро ва бошқаларнинг таваллуд топган саналарини нишонлашда ўз исботини топди.

Мустақил Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳоннинг илғор ва етакчи давлатлари қаторида бўлишини таъминлашга қодир ва қобил издошларга эҳтиёжи кун сайин ортиб бормокда. Улар Она-Ватан Ўзбекистон манфаатларини ҳар жихатдан, чунончи, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маънавий-руҳий ҳимоя қила оладиган салоҳиятга эга бўлишлари лозим.

Бунинг учун улар нафақат ҳозирги замон дунёвий илмларини, балки ўтмишда ўтган буюк боболарнинг ҳаёти ва фаолиятини мукамал билишлари, шу куннинг асосий талаби ҳисобланади. Буларни эгалламай туриб, бирор бир шахс комиллик даражасига эриша олмайди. Тарихда ўтган буюк шахсларимиз, айниқса, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти бунда асосий мезон бўла олади. Унинг ҳар қандай мушкул сиёсий, ҳарбий, дипломатик вазиятлардан чиқиб кета олиш заковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги, топқирлиги, темир иродавий хусусиятлари авлодлар учун ибрат, ҳаёт мактаби, Ватанга хизмат қилиш намунаси бўлиб қолиши лозим.

Ана шундай бемисл, бетакрор, бутун дунё эътирофига сазовор бўлган буюк сиёсий ва ҳарбий арбоб, фан-маданият хомийси Соҳибқирон Амир Темур ҳаётини чуқур ўрганиш жуда муҳимдир. Ёшларимиз уни қанчалик мукамал ўргансалар, ундан шунчалик сабоқ оладилар. Ўзбекистоннинг собитқадам, жасур, ақл-идрокли, Она-Ватан қудратини жаҳонга кўз-кўз қилишга қодир ва хос фидоий фарзандлари бўлиб етишадилар.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мавзуларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникатив технологиялар ёрдамида ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Чунки бугунги кунда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, ҳамда олий ўқув юртларда замонавий педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларни амалиётга татбиқ этилишига катта аҳамият берилмокда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги Қонун таълим борасида эришилган миллий тажрбанинг жаҳон миқёсидаги ютуқлар билан бойитиш ҳисобига, замон талабига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга қаратилган.¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни жадаллаштириш учун замонавий олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг педагогик кадрлари ва илмий текшириш институтларининг илмий ходимларини тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг асосий

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т., 1997. 6-б.

вазифаларидан бири бўлиб, бу соҳада замонавий педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникатив технологиялар бўйича уларнинг малака ва кўникмаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тарихини ўқитишда ва ўрганиш жараёнида фан дастурларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихига муҳим ўринлардан бири ажратилади. Бу мавзу ўз ичига бир қатор мавзуларни қамраб олган бўлиб, уларни ўқувчи ва талабалар яхши ўзлаштириб олишлари учун дарсларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мазкур қўлланмани ёзишдан асосий мақсад «Амир Темур ва Темурийлар даври» мавзусини ўрганишда ЗПТ ва интерфаол усуллардан фойдаланиш усул ва воситаларини аниқлаш ва ёритиб беришдан иборат.

- Қўлланмада Амир Темур ҳаёти ва унинг давлат арбоби ва ҳарбий саркарда сифатидаги фаолияти ҳақида тарихий манбалардан фойдаланган ҳолда дарс ташкил этишда ўқитувчи баёнига киритиладиган қўшимча маълумотлар билан таништириш учун ўқитувчи фойдаланиши мумкин бўлган маруза намунасини келтиришга, мавзу бўйича дарс сценарийсини ишлаб чиқишга, ўқитувчининг тарих дарси ўтишга тайёрланиш босқичларини очиб беришга ва машғулотларни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар келтиришга ҳаракат қилдик.

Қўлланмани тайёрлаш жараёнида Амир Темур ва Темурийлар ҳақида Б.Аҳмедов, А.Муҳаммаджонов, И.Мўминов, А.Сагдуллаев, Г.Саломов, А.Якубовский ва бошқа муаллифларнинг асарларида келтирилган маълумотлардан фойдаландик. Айниқса, Б.Аҳмедовнинг «Амир Темур дарслари», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», «Темур тузуклари» китобларидан керакли маълумотларни олдик. Албатта мавзунини ўрганиш учун жуда кўп адабиётларни жалб этиш мумкин эди. Бироқ бизнинг асосий мақсадимиз шу мавзудаги дарсни замонавий педагогик технология асосида ўтиш бўлиб, эътиборимизни шу масалага ҳам қаратдик. Бу борада профессор Жўра Йўлдошевнинг «Таълим янгилаш йўлида» номли китобидан фойдаландик Бундан ташқари замонавий педтехнологиялар бўйича яна бир қатор китоб ва мақолалардан, Интернет сайтларидан фойдаландик.

Қўлланма ҳақида ҳурматли ҳамкасбларимиз, талаб ва магистрларимизнинг фикр ва мулоҳазаларини самимият билан қабул қиламиз.

I-қисм. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР

1.1. АМИР ТЕМУРНИНГ НАСЛУ НАСАБИ, ФАЗИЛАТЛАРИ, ИШЛАРИ, ОДАТЛАРИ

Улуғ бобомиз Амир Темур кўхна шаҳар Шахрисабзга қарашли Хожа Илғор қишлоғида 1336 йил 9 апрел куни туғилган. Отаси Тарағай Баҳодир Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан ўртаҳол беклардан бўлиб, Чигатой хонларидан Қозонхон (1338-1346) лашкарида хизмат қиларди. Хожа илғор қишлоғи ва унинг теварак-атрофидаги ерлар унга мулк ҳисобланарди. Онаси Такина бегим ҳам наслу насаб жиҳатдан аслзодалар жумласидан эди. У Бухоролик машҳур фақиҳ Тож аш-шариа (шариат тожи) тахаллуси билан машҳур бўлган Убайдулла Масъуднинг авлоди (1350 й. вафот этган) эди.

«Насабнома» ларда ва Амир Темурга бағишланган тарихий китобларда унинг шажарасини Нуҳ пайғамбар ва унинг авлоди Туркхонга (Ёфас ўғлонга) боғлайдилар. Ўша «Насабнома» ларда ва тарихий китобларда, масалан, Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида бундай дейилади: «Туминахоннинг эгизак ўғиллари бўлган. Биринчи исми Қобилхон, иккинчиси Кочули баҳодир». Чингизхон ҳам Темурбек каби Туркхон (Ёфас ўғлон) нинг авлоди, иккинчидан, унинг онаси турк-найман қабиласига мансуб бўлган. Бир эски тарихий китобда ўқиганим бор. Унда Чингизхонни кўк кўз мўғул деб аташган. У оқ юзли ва кўзи кўк одам бўлган экан. Хитой солномаларида айтилишича, ҳозирда машҳур Хитой деворининг шимол тарафида қадимда истиқомат қилган халқлар «кўк турклар» деб аталган.¹

Лекин «Насабнома» лар ва шажаралар ҳамда вақт ҳам ишончли манба бўлолмайдилар, чунки тарихчилар ўз подшоларини илоҳийлаштириш мақсадида шундай қилганлар. Масалан, Амир Темурнинг аждоди аслида ҳарбий кишилар бўлганлар. Качули баҳодир, Суғу Чечан, Қорачор нўён ва бошқалар. Чингизхон ва унинг ворислари замонида кўшинга кўмондонлик қилиб ўтганлар.

Темурбекнинг болалиги ва ёшлиги қандай кечганлиги ҳақида ўша замонларда ёзилган китобларда аниқ маълумот йўқ. Лекин бизда қадимдан хонзодалар, шаҳзодалар ва бекзодаларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилгани маълум. Уларга тўрт ёшдан бошлаб таълим бериш бошланган. Уларга шу ёшдан бошлаб хат-саводини чиқарувчи муаллимлар ва хотираси ва фикрлаш салоҳиятини оширувчи махсус қиссахонлар бириктирилган. Қиссахонлар хонзода, шаҳзода ёки бекзодадан атиги 6-8 ёш катта бўлишган ва бирга ўйнашиб юрганлар. Эндигина тўртга кирган Муҳаммад Тарағай (Улуғбек)га бириктирилган Ҳамзанинг ёши 12 да бўлган. У кейинча катта олим бўлиб етишди ва Шайх Озарий номи билан шуҳрат топди.

¹ Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Т.:Шарк, 2001. 5-6.

Ўйлаймизки, Тарағай Баходир бирмунча камбағаллашиб қолганига қарамай, ўғлини ёшлигидан аслзодаларга яраша ўқитган ва ҳар тарафлама билим берган: катта-кичик билан муомала илмини, ов қилиш ва ҳарбий илмларни ўргатган, албатта.

Ов ва ҳарб илмлари хонзода, шаҳзода ва бекзодаларга махсус ўргатилган. Негаки, бу икки илм уларни ёшлиқдан чиниқтирган. Бу икки илмни ўргатиш учун махсус устозлар ёлланган. Шаҳзодалар ва бекзодалар от чопиш, найза санчиш, ўқ отиш, човгон ўйнаш, қиличбозлик каби ҳарбий санъатлардан таълим олганлар.

Ва яна уларни ёшлиқдан салтанат тебратиш илмига ҳам ўргатганлар. Бунга ўша замонлардан қолган «Сулук ул-мулук» («Подшоларга қўлланма»), «Тузуқлар» ва бошқа номлар билан етиб келган китоблар гувоҳлик беради. Бу китобларда амалдорларни танлаш ва ўз ўрнига қўйиш, ҳукумат ишларини юритиш, табақаларнинг арз-шикоятларини эшитиш, ҳукм чиқариш каби давлат амалларини адо этиш касби тушунтириб берилган. Темурбек ҳам ёшлигидан шу илмларни касб этган.

Амир Темурнинг ҳаёт пайтида чиздирган махсус сурати йўқ. Лекин замондоши Ибн Арабшоҳнинг сўз билан ифодалан мурати бор. У Темурнинг шаклу шамоилини бундай тасвирлайди: «Темур қадди-қомати келишган, баланд бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли, салобатли, юзи оқ-қизилдан келган, лекин биронта доғи йўқ, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, болдир ва пойчалари семиз, қадду қомати камолига етган, серсоқол, икки кўзи бамисоли шамъ бўлсада, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди. У ўлимдан кўркмас, қартайиб қолган бўлса-да изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию, кўнгилхушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқа тунга ёқар, маъқулроқ эди. У бўлиб ўтган ишга азият чекмас эди ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқдан шодланмас эди»¹.

Амир Темур ўткир фикрловчи, фаросатли, зийрак, дўст-душманни бир қарашда ажрата биладиган, мард ва ҳақгўй кишиларни ёқтирувчи, донов а катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишиларни дўст тутар, хоинликни ва хоинликларни ёмон кўрарди.

Ҳазрат соҳибқирон феъл-атвори дуруст, хуллас яхши киши эди.

Ибн Арабшоҳдан яна ўқиймиз:

«У синчков, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Зийраклиги билан ҳақ насихатгўйдан сохта насихатгўйни ажрата олар, ўз фикри ва идроки билан сал бўлмаса «ўчар юлдуз» ни тўғри йўлга солиб юборар, ўз фаросати ва мулоҳазалари билан беҳато айланиб турган сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштира олар эди»².

Ҳазрат соҳибқирон мард киши эди: «Темур кўркмас, шижоатли, ботир кишиларни ўз орқасидан эргаштирувчан бўлиб, жасоратли, довюрак ва мард кишиларни ёқтирар эди. Уларнинг ёрдамида даҳшатли жойларни фатҳ этиб, шерюрак одамларни

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.- Т., 1992.

² Ўша жойда

асирга туширар, ўлжа қилар, уларнинг зарбалари билан баланд тоғ чўққиларини ҳам вайрон қиларди.

У фахш сўзларни ёқтирмасди. Яна ўша Арабшоҳдан: «Унинг мажлисларида уятсиз гаплар, қон тўкиш, асир олиш, ғорат қилиш ва аёллар хусусида ҳақоратли сўзлар айтилмас эди.

Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, тафаккур денгизининг қаъри йўқ, тадбири тоғига на текислигу, на ўйдим-чуқур орқали йўл топилар эди, илм аҳлига меҳрибон эди».

Ибн Арабшоҳ: «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййид шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламо ва фозилларга тўла иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан тамом муқаддам кўрар эди. Уларнинг ҳар бирининг ўз мартабасига кўйиб, иззат-икромии ва ҳурматини унга очиқ изҳор қиларди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёзар эдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс юритар эдики, баҳсида инсофу ҳиммат бўлар эди. Унинг лутфи қаҳри ичига қорилган бўлиб, кўрслиги эзгулиги орасига кўшилган эди»¹.

Темур аҳлу хунарни ҳам дўст тутарди. Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур ҳар қандай хунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, касб эгаларига ғоятда меҳр кўяр эди».

Ибн Арабшоҳ:

«У масҳарабозларни ёқтирмас эди. У табиятан масҳарабоз ва шоирларни ёқтирмас, мунажжиму табибларни ўзига яқин тутиб, уларнинг гапларига эътибор қилар ва сўзларини тинглар эди».

«Темур тузуклари» да ўқиймиз: (Қатъийлик, чидамлилик, хушёрликда тенги йўқ одам эди). Ҳазрат соҳибқирон айтган «қатъийлик, сабр-тоқат, чидамлилик, хушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилгай».²

«Донишмандлар дейишмишким, ўрнида қўлланган тадбир билан кўплаб лашкарнинг қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж аскарни енгиб бўлур, тажрибада кўрилганким, азми қаттиқ, тадбиркор, хушёр, уруш кўрган, мард, шижоатлик бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали ва тадбирли бир киши минглаб одамларга иш буюради.

Кенгашда гап кўплигини ҳазрат соҳибқирон яхши биларди: «Кенгаши икки турли бўлур. Бири – тил учида айтилгани. Иккинчиси дилдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим.

..Кенгаш аҳлидан кимки куйиниб маслаҳат берса, қулоқ солардим, кимки оқилона гапни кескинлик билан сўзласа, уни диққат билан тинглардим.

..Ҳаммадан кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон тарафлари ҳақида ўйлаб кўргандан кейин, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим».

Амир Темур кечиримли одам эди. «Тузуклар» да ўқиймиз: «Амир Ҳусайн қўлимга асир тушиб қолгандан кейин унинг навқарлари ва одамлари «Темурбек энди бизни

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.- Т., 1992.

² Темур тузуклари – Т., 1992

ўлдиради», деб гумон қилган эдилар. Тўғри бошда ниятим уларни ўлдириш эди, кейинча «ахир улар аскарлар-ку», деб уларни авф этдим ва яна аскарликка тайинладим.

Бадахшонда ҳоким бўлиб турган уларнинг бош амири кўп мартаба жангда мен билан юзма-бз келиб, қилич чопишган киши эди. Амир Ҳусайн қатл этилганини эшитгандан кейин, менинг қаҳримдан қўрқиб, ўзини сергак тутди. Бордию уни тутиш учун кўшин юборсам, тўғри иш қилмаган бўлур эдим. Шунинг учун ўзимни уни унутгандай тутдим ва унинг борасида ушбу тадбирни ишлатдим: мажлисларда, ўлтириш ва йиғинларда уни яхши сўзлар билан ёд этиб, мардлиги ва баҳодирлигини мақтадим. Дўстлари «Амир Темур сенга нисбатан марҳамат ва иноят мақомида турибдур», деб хат ёзиб юбордилар. Охири у зорланиб менга хат юборди ва инояту марҳаматларимдан умидвор бўлиб, паноҳимга келди».¹

Амир Темурнинг эл-юрт олдида қилган яхши ишлари. Ҳазрат соҳибқирон бутун ҳаётини юрт ива халқининг тинчлиги ва фаравонлиги учун сарфлади, элим деб, юртим деб ёниб яшади. Унинг эл-юрти олдида қилган хизматлари жуда катта. Масалан,

1) Мамлакат ва халқини мўғуллар зулмидан озод қилди, уларни ўз байроғи остига бирлаштириб, марказлашган кучли давлатга асос солди, унинг тинчлиги ва хавфсизлигини бўлмаганда 80 йилга таъминлади.

2) Самарқанд, Кеш, Тошкент, Бухоро ва Қарши каби шаҳарларни қайтадан, мустаҳкам қилиб тиклади, обод қилди. Замондош тарихчи Ҳофиз Аbru «Самарқанд лойдан қурилган эди, ҳазрат соҳибқирон уни тошдан тиклади», деб ёзади. Шаҳарларда хунаромандчилик, савдо-сотик ривож топди.

3) Илм-фан, айниқса ҳадис ва фикҳ илми, риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия), табобат, мусиқа, тасвирий санъат, тарих, адабиёт, фалсафа илмлари мисли кўрилмаган даражада ўсди; халқ амалий санъати ривож топди.

4) Мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар, хусусан Ҳиндистон, Хитой, Олтин ўрда ва Араб мамлакатлари ва ҳатто Италия (Венеция), Испания, Франция ва Англия билан савдо-сотик, сиёсий ва маданий алоқалари ривожланди. Уни бутун дунё таниди ва тан олди².

Амир Темурнинг жаҳон олдидаги хизмати ҳам ниҳоятда каттадир. Булардан баъзиларини тилга олиб ўтамиз.

1) XV асрда французлар ҳазрат соҳибқиронга олтиндан хайкалча қуйдириб, унга «Оврупо халоскорига» деган сўзларни ёздиртириб, Париж музейларидан бирига қуйдиришган эканлар. Кейинча олтин хайкалчани ўғирлаб кетишди, лекин шуҳрати сўнмади, бағишлов сўзлар ҳозиргача ҳамманинг эсида.

Хўш, Амир Темур ва унинг юртдошларига бу қадар улкан шуҳрат келтирган нарса нима бўлди экан, ўзи?

XIV асрнинг ўрталарида турк султони Ўрхун (1324-1360) отаси султон Усмоннинг босқинчилик сиёсатини давом эттириб, Византиянинг бир қатор мустаҳкам қалъаларини босиб олди, Никеяни эгаллади. Сўнг флот куриб, Оврупо соҳилига ўтди. Ўрхуннинг тахт вориси Сулаймон пошо вафотидан кейин Болқон ярим оролидаги ерларга хужум

¹ Темур тузуклари. – Т., 1992

² Амир Темур жаҳон тарихида – Т.: Шарк, 1996. 34 б

бошланди. Султон Мурад даврида (1360-1389) турклар 1363 йили Булғориянинг Филиппонол (Пловдив), София, Шумен, Ниш ва бошқа булғор ва серб ерларини тасарруфига киритиб олдилар. XIV асрнинг 80-йилларига келиб турклар Албания худудларигача бориб етдилар, Сербия билан Булғориянинг катта қисмини ўзларига бўйсундирдилар. 1388 йили Султон Мурад I 30 минг кишилик турк армияси билан Косово поледа серблар, хорватлар ва боснияликларнинг бирлашган кучларини тор-мор келтирдилар. 1393-1396 йиллари турклар Булғория, Македония ва Фессалияни ҳам тиз чўктириб, Морея билан Венгрия худудларигача бориб етдилар. Европа хавф остида қолди, хусусан Франция, Германия, Венгрия ҳукмрон доираларини таҳликага солди. Улар келишиб, Туркияга қарши салб юриши уюштирдилар. Бу ишнинг тепасида Рим папаси, Франция қироли Карл VI ва Венгрия қироли Сигизмунд турдилар. Тиш-тирноғигача қуролланган француз, венгер, поляк, немис жангчилари билан Боязид Йилдирим бошлиқ турк аскарлари ўртасидаги жанглар 1396 йил 25 сентябр куни Булғорияга қарашли Никопол шаҳари ёнида содир бўлди. Салбчилар бу сафар ҳам мағлубиятга учрадилар¹.

Хуллас, шундан кейин Оврупо катта хавф-хатар остида қолди, Темур саройини Оврупо мамлакатларининг элчилари босиб кетди. Улар охири Амир Темурнинг қўли билан қудратли Туркиянинг ҳарбий-сиёсий салоҳиятини синдирдилар. 1402 йилнинг 20 июлида Анқара ёнида бўлган урушда Боязид Йилдирим тор-мор этилди. Бу билан Амир Темур Болқон мамлакатлари халқини, балким бутун Оврупони турклар истилосидан сақлаб қолди.

2) 1380 йилнинг 8 сентябри куни рус князлари Москва князи Дмитрий Донской бошчилигида Дон бўйида Олтин ўрданинг қудратли амирларидан бирини – амир Мамайни енгдилар. Бу воқеа кўпдан бери мўғуллар асоратида кун кечирган Россияда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Лекин орадан бир йил ўтар-ўтмас Москва остоналарида Мамайдан кучлироқ Олтин ўрдалиқ саркарда – Тўхтамишхон (1376-1395) пайдо бўлди. Князь Дмитрий Донской Костромага қочиб қолди. Тўхтамиш ўшанда нафақат Москвани (1382 йил 16 августда), балки Юрьев, Звенигород, Можайск, Боровск, Руза, Дмитров ва Россиянинг бошқа шаҳарларини ҳам эгаллади. Бир сўз билан айтганда, Россия яна мўғул асоратига тушиб қолди.

Россияни мўғул асоратидан қутилишини яқинлаштирган одам Амир Темур бўлди. У 1395 йилнинг 17 апрел куни Тўхтамишни Терак дарёси бўйида тор-мор келтириб, Олтин ўрдага ўлим зарбасини берди. «Темурнинг бу зарбасидан кейин Олтин ўрда Москва князига хавфли бўлмай қолди – деб давом этади йирик рус тарихчиси С.М.Соловьев, - чегарада бўлиб турадиган тўқнашувлардан кўпинча русларнинг қўли баланд келадиган бўлиб қолди. Москванинг улуғ князи совға-салом ва ўлпон билан Ўрдага бормай қўйди»². Лекин, бу фактни Россиядаги баъзи одамлар унутмоқчи бўладилар.

3) 1370-1390 йиллари Мўғулистон ва 1381-1404 йиллари Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига қилинган юришлар натижасида бу мамлакатларда кўпдан давом этиб келаётган феодал тарқоқлик ва маҳаллий урушларга барҳам берилиб, тинчлик

¹ www.ref.uz

² www.fergana.ru

ўрнатилди. Натижада, Чингизхон хуружидан бери Хитой, Қурия ва бошқа шарқ мамлакатлари билан Ўрта ер денгизи ҳавзасида жойлашган мамлакатлар ўртасида асрлар давомида давом этиб келган савдо ва маданий алоқалар қайтадан тикланди.¹

Амир Темур Буюк Ипак йўлини қайта кашф этди.

1.2. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Темур давлати ўз даврида нисбатан марказлашган давлат эди. Бу давлат, асосчиси (Амир Темур) кўзда тутгандай, мамлакатдаги барча ижтимоий табақалар (саййидлар ва рухонийлар, олим ва фозил кишилар, аҳлу ҳунар, зироатчилар, сипоҳийлар, савдо-сотик аҳли ва бошқалар) нинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиши, маслаҳат ва кенгаш ила каттиқ қўллик билан бошқарилиши керак эди.

Бу – давлат тузишда амал қилиш зарур бўлган **биринчи шартдир**.

Давлатни шакллантиришда амал қилиш лозим бўлган **иккинчи шарт-шароит** - бу салтанатнинг тўрт асосий устунини тўғри англаш ва унга суяна билиш. Бу устунлар қуйидагилар: 1) Ислом ва шариат ақидалари; 2) қадимдан амалда бўлган одатлар – йўсин ва тузуклар; қонун устуворлиги; 3) хазина; 4) райят, яъни меҳнаткаш халқ.²

Амир Темур салтанатнинг шу тўрт устунига суяниб иш тутди ва давлатини шакллантиришда, уни бошқаришда шу устунларга суяна билди.

Эл-юртнинг тақдири, райятнинг туриш-турмуши кўп жиҳатдан марказий давлат тузуми, унинг шаҳар, вилоят, туман ва катта-кичик қишлоқлардаги идораларининг иш юритишига боғлиқдир ва яна ўша муассаса ва идораларда хизмат қилиб турган мансабдорларнинг насл-насабли, имон-инсофли, тадбиркор бўлишларига ҳам боғлиқ. Амир Темур давлат тизимини шакллантиришда шунга ҳам алоҳида эътибор берди. Масалан, ҳукуматнинг ижроия муассасалари (деволлари) ни бошқариб турувчи вазирлар, Амир Темурнинг фикрича, тўрт сифатга эга бўлишлари талаб қилинган.

Биринчиси - асслик ва тоза наслик;

Иккинчиси – ақл-фаросатлилиқ;

Учинчиси - сипоҳу райят аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан яхши муомалада бўлишлиқ;

Тўртинчиси – сабр-чидамлилиқ ва тинчликсеварлик. Вазирликка тайинлаш, унга эл-юртнинг инон-ихтиёрини топшириш хусусида ҳазрат соҳибқироннинг айтган мана бу уқдиришлари ҳам муҳимдир: «Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ деб билсинлар, уни вазир ёки маслаҳатчи қилиб тайинласинлар, мамлакат ишларини, сипоҳ ва райят ихтиёрини унга топширсинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат (ҳокимият) берилсин»³.

Амир Темур маҳаллий ҳокимиятларда ҳам имон-инсофли, ишбилармон одамларни қўйдирди, улардан эл-юртни муҳофаза қилиш, райятнинг мол-жонини ҳимоя қилиш, уни

¹ Амир Темур жаҳон тарихида.- Т.:Шарқ, 1990

² Муҳаммадҷонов А. Темур ва темурийлар даври. – Т.:Фан, 1996

³ «Темур тузуклари»,-Т.,1992. 94-бет

солиқ ундирувчиларнинг зулмидан химоя қилиш, юртни обод қилиш, вилоятдан ўтаётган савдо карвонларини қўриқлашни қаттиқ талаб қилади. «Тузуқлар» да ўқиймиз: «Маҳаллий ҳокимлардан катта-кичик шаҳарлар ва қишлоқларда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бунёд этиш, фақиру мискинлар учун лангархоналар¹ қуриш, беморлар учун шифохоналар қуриш топширилсин». Ҳазрат соҳибқироннинг мана бу ўқитишлари ҳам муҳимдир: «Амр қилдимки, райиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш лозим. Негаки, райиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади».

Темурийлар давлатининг тизими ҳам, аввал ўтган давлатлар тизими сингари, икки қисмга: қонун чиқарувчи ва ижроия тизимларига бўлинган.

Қонун чиқарувчи тизим қурултой аталиб, у асосан йирик турк-мўғул қабилаларининг йўлбошчилари иштирокида ўтган ва олий ҳукмдор истаган пайтда чиқарилган. Қурултой уруш ва сулҳ, олий ҳукмдорнинг (подшоҳ, хон) сайланиши каби масалаларни муҳокама қилган ва қонунлаштирган.

Ижроия тизими девонлар ва бошқа олий давлат идораларидан иборат бўлган. Давлатнинг ижроия тизими (девонлар) қурултой қабул қилган қарорларни, подшоҳ фармонларини ва давлатнинг кундалик юмушларини ҳаётга татбиқ этган.

Тарихий манбаларда хусусан «Тузуқлар» да айтилишича, Темур давлатини қуйидаги тўрт вазир бошқарган.

1) Мамлакат ва райият вазири – мамлакатнинг муҳим ва кундалик ишларини адо этган; райиятнинг аҳволини назорат қилиб турган, вилоятлардан йиғилган қарим-чиқим, Олиқ-солиқлар ва уларни тақсимлаш, мамлакат ободончилиги ва райиятнинг фаровонлигини, мамлакатнинг умумий аҳволини назорат қилиб турувчи вазир бўлган. Уни бош вазир (вазири аъзам) деб аташ мумкин. У бош бўлган муассаса эса девони олий деб аталган.

2) сипоҳ вазири – сипоҳийларнинг умумий аҳволи, уларни юришлар олдидан тўплаш, жойлаштириш, озиқ-овқат ва ҳарбий аслаҳа билан таъминлаш, уларнинг маоши ва нафақаларини ўз вақтида етказиб бериш билан шуғулланган. У бош бўлган муассаса девони тавочи деб аталган.

Учинчи вазирга эгасиз қолган ер-сув, мол-мулкни, ҳақиқий меросхўрлари топилгунча, тасарруф қилиб туриш, шунингдек, савдогарлардан олинадиган бож-хирож ва яйловдаги мол-қўйдан олинадиган закот ундириш билан шуғулланган. Унинг девони девони саркор деб ҳам аталган.

Тўртинчи вазир салтанат ишларини, яъни давлат идораларининг сарф-харажатлари, подшоҳнинг турли маросимларига кетган сарфларини, умуман хазинадан кетган барча харажатларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланган. Ушбу вазирнинг ихтиёридаги девонинг аниқ номи Амир Темур даврига оид манбаларда кўрсатилмаган¹. Фикримизча, у девони мушрифга ўхшаш бўлгани шубҳасиз.

¹ Лангархона – йўловчилар қўниб ўтадиган ер; мискин ва етим-есирга таом бериладиган жой; Ғарибхона.

¹ Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. – Т.:Фан, 1996

«Тузуклар»да чегара ерлар ва тобеъ мамлакатларни бошқариш ишларига масъул этиб яна учта вазир тайинлангани айтилади. Лекин ҳозиргача уларнинг номлари аниқланмаган. Академик Б.Аҳмедовнинг фикрича, улардан бири хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган муносабатларга бошчилик қилган олий давлат муассасаси девони иншо, ёки девони расоил, деб аталган. Шунингдек, девони мушриф (махсус назоратчилар девони) ва девони кузат (адлия ишлари девони) каби олий давлат муассасалари ва шу ишга нозирлик қилган вазирлар ҳам бўлган, албатта.²

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Амир Темур даврида давлат юмушларини адо этган қуйидаги олий лавозимлар: оталиқ, арзбеги, ахтабеги, аълам, боқовулбоши, битикчи, дафтардор, жалол ул-ислом, жарчи, зинбардор, кутвол, мажлиснавис, мирохур, мунший, муфтий, мухтасиб, мушриф, муҳандис, муҳосил, филбон, садр аъзам, соҳиб девон, ясовул, тавочи, фаррош, фақиҳ, хазинадор, хонсолор, чухра оғаси, шайхулислом, эшик оға боши, юртчи, қози асқар, қози аҳлос каби лавозимлар тилга олинади.

Арзбеги – олий ҳукмдорнинг ҳузурига арз-шикоят билан келган кишиларни қабул қилиб, уларнинг шикоятини подшоҳ (хон) га етказиб турувчи ва уларга жавоб қилувчи мансабдор.

Ахтабеги – подшо (хон)га тегишли отларнинг тасарруфига масъул бўлган мансабдор.

Аълам – фикҳ (мусулмон қонуншунослиги) ва бошқа илмлардан кенг маълумотга эга бўлган бу мансабдор қозиларнинг фаолиятини назорат қилган. Қози қабул қилган қарор ёки ажрим фақат аъламнинг тасдиғидан ўтгандан кейин кучга кирган.

Бақовулбоши – подшоҳ (хон) ошхонасида хизмат қилиб турган ва овқат пирувчилар тепасида турган мансабдор.

Битикчи – девонларнинг ёзиш-чизиш ишларига мутасадди бўлган мансабдор.

Дафтардор – Девони муставфий (молия вазирлиги) да Олиқ-солиқ тўловчилар рўйхати, солиқлар дафтарини юритувчи мансабдор.

Жалол ул-ислом – олий ҳукмдорнинг буйруғи билан улус ва вилоят ҳукмдорларининг девонини тафтиш қилиб турувчи олий мансабдор.

Жарчи – подшоҳнинг фармонлари ва буйруқларини (масалан, қўшинга сафарбарлик ҳақидаги буйруқларини) аҳолига етказиб турувчи мансабдор.

Зинбардор – подшоҳ (хон) отига эгар-жабдуқ уриб, уни минишга тайёрловчи хизматкор. Юриш вақтида хоннинг заҳирадаги отини ўзи билан бирга етаклаб юрган.

Кутвол - қалъа ҳокими. Зиммасига уни доим мудофаага тайёр ҳолда тутиш, у ердаги қўшинга мутасаддилик қилиш вазифаси юклатилган.

Кадхудо - қишлоқ оқсоқоли.

Мажлиснавис – олий ҳукмдорнинг махсус ва махфий йиғилишларида бўлган гапларни дафтарга тушириб боровчи махсус котиб.

Мирохур – подшоҳ (хон) отхоналарига қараб турувчи мансабдор. У олий ҳукмдорга тегишли барча чорпо ва отхоналарга мутасадди бўлган. Мирохур олий

² Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Т.:Шарк, 2001. 52-б.

ҳукмдорнинг топшириғи билан уруш пайтида қўшинга бошчилик қилган; элчилик ва бошқа вазифаларни ҳам бажарган.

Мунший – подшоҳ (хон) нинг шахсий котиби

Муфтий – мусулмон қонуншуносларининг бошлиғи. Шариат қоидалари асосида чиқарилган ҳукм (фатво) фақат унинг тасдиғидан кейин кучга кирган.

Мухтасиб – мусулмонлар тарафидан ислом ва шариат аҳкомлари қандай бажарилишини назорат қилиб турувчи диний мансабдор. Бу лавозим XVIII – XIX асрларда Бухорода Раис деб аталган.

Мушриф – бош назоратчи. Шахзодалар ва мансабдорлар тепасига қўйилган назоратчи.

Муҳандис. – олий ҳукмдорнинг амри билан қурилаётган бинонинг шакли ва қандай қурилиши кераклигини аниқлаб берувчи мутахассис.

Муҳосил – бўйсундирилган шаҳар халқидан ўлпон ундирувчи мансабдор.

Филбон – подшоҳ (хон) нинг урушга ўргатилган ва оғир юкларни ташувчи филларга қараб турувчи хизматкор

Садр аъзам – садрлар бошлиғи, зиммасига вақф билан боғлиқ ишларни назорат қилиб туриш юклатилган олий мансабдор.

Соҳиб девон – давлатнинг барча девонлари ишини назорат қилиб турувчи олий мансабдор.

Тавочи – ҳарбий юриш олдидан барча вилоят, туман ва улуслардан белгиланган ерга лашкар йиғиб келувчи ҳарбий мансабдор. Одатда, у бу ишга жарчи билан бирга борган.

Фаррош – подшоҳ (хон) турган жойларни супуриб-сидириб турувчи, олий ҳукмдор олдида меҳмон келганда тўшак тўшовчи кичик хизматкор.

Фақиҳ – фикҳ (мусулмон қонуншунослиги) илмининг билимдони. Амир Темур саройида етук фақиҳларини тутган. Афтида ушбу лавозим эгаси давлатда қозилар ишини назорат қилган ва қонун устуворлигини таъминлаган.

Хазинадор – давлат хазинаси ишларининг тасарруфи билан машғул бўлган йирик молия мансабдори.

Хонсолор – олий ҳукмдор ва унинг меҳмонлари олдида дастурхон ёзувчи сарой хизматчиси, дастурхончи.

Чухра оғаси – олий ҳукмдорнинг шахсий кўрикчилари (чухралари) бошлиғи.

Шайхулислом – мусулмонлар жамоасининг бошлиғи.

Эшик оға боши - қабул маросимларини ташкил қилувчи мансабдор, сарой вазири

Юртчи – ҳарбий юришлар пайтида олдиндан бориб, подшоҳнинг чодирини тикишга раҳбарлик қилувчи мансабдор.

Қози асқар – ҳарбий судья.

Қози аҳдос – жиноий ишни қадимдан келган урф-одатлар ва тартиб асосида кўриб ҳал қилувчи судья.

Шариат қозиси – шариат кўрсатмалари асосида иш юритувчи судья.¹

¹ Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Т.:Шарк, 2001. 53-54-б.

Шубҳасиз, яна кўпгина катта-кичик мансаблар бўлган. Бу масалани, янги манбалар асосида чуқурроқ ўрганиш керак бўлади. Лекин келтирилганлардан ҳам Амир Темур кучли марказлашган давлатга асос солганини кўриш мумкин.

Маҳаллий ҳокимият, яъни вилоят, ўлка ва улуслардаги ҳокимият тепасига шахзодалар, йирик амирлар ва беклар қўйилган. Улар волий, улусбеги деб аталганлар. Уларнинг ёнида доруға (шаҳар ҳокими), кутвол (қалъа бошлиғи), қози каби мансабдорлар туришган.

Шу ўринда яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчимиз. Амир Темур фақат Мовароуннаҳрни ўз давлати тасарруфида идора қилди. 1370-1393 йиллар мобайнида бўйсундирилган мамлакатлар (Мўғилистон, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Ироқ ва бошқа мамлакатлар) 1390-1393 йилларга қадар ўзларининг маҳаллий ҳукмдорлари (Картлар, Сарбадорлар, Алийлар, Музаффарийлар, Жалойирлар ва б.к.) қўлида қолдирилди. Бутун ҳокимият уларнинг қўлида бўлиб, марказий ҳукуматга (Самарқандга) хирож ва солиқларнинг бир қисмини тўлаб турганлар ва олий ҳукмдорга ҳарбий юришлар пайтида аскар юбориб туриш мажбуриятини бажарганлар.

«Темур тузуклари»да қабул маросимлари, салтанат саройида вазирлар, амирлар, уламо ва бошқа тоифа кишиларининг ўлтириш тартиби ҳам қатъий белгиланган.

Салтанат мажлисида ўлтириш тартибига кўра, тож-тахт ва подшоҳни худди ой кўрғонлагандай ўраб ўлтирганлар. Подшоҳнинг ўнг тарафидан унинг бахтиёр ўғиллари, набиралари ва яқин қариндошлари, даража ва мартабаларига қараб ўлтирганлар. Саййидлар, шайхлар, қозилар, уламо, шуаро ва бошқа улуғ зотларнинг ўрни ҳам шу тарафда бўлган.

Кўшин бошлиқлари, амир ул-умаро, бекларбеги, нўёнлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, улус ҳамда туман бошлиқлари тахтнинг сўл тарафидан жой олганлар. Девонбеги, вазирлар, ўзга мамлакатлардан келган элчилар тахт қаршисидан жой олганлар. Эллу улуснинг калонтарлари ва кадхудолар, уларнинг орқасидан баходирлар, атоқли ўғлонлар тахт орқасининг ўнг тарафида, қоровулбегилар тахт орқасининг сўл тарафида турганлар. Катта чодир эшиги олдида, тахт тўғрисида, ичкилар (подшоҳнинг хос хизматкорлари), подшоҳнинг хусусий ясовули, ўнгу сўлда эса додхоҳлар тик туришган².

Амир Темур давлатида қонун барчага – вазирга ҳам, амирга ҳам, ҳоким учун ҳам, шахзода учун ҳам баробар бўлган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидан иккита мисол келтириш мумкин: Фарбий Эрон ва Озарбайжон ҳокими Мироншоҳ мирзо маишат ва кайфу сафога муккасидан кетиб, давлат ишларига эътибор қилмай қўйгани учун лавозимидан олиб ташланган, атрофидагиларнинг баъзилари эса, олий жазога маҳкум этилганлар. Форс ҳокими Пирмуҳаммад султон етти йиллик уруш (1399-1404) пайтида сусткашликка йўл қўйгани учун у ҳам эгаллаб турган мансабидан олиб ташланган.³

Амир Темур давлатида ҳуқуқий муносабатлар Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда баён қилинган тартиб-қоидаларга асосланган. Амир Темурнинг ҳуқуқ ва қонун унсурлари

² Сомон йўли. Амир Темур ҳаётига бағишланган – Т., 1992

³ Яздий Ш.А. Зафарнома. – Т.: Камалак, 1994

«Темур тузуклари»да ўз аксини топган. Бу асарда давлат юмушлари, ҳарбий соҳа, раият ва ижтимоий тузумнинг барча қатламлари ҳақида сўз юритилган. «Тузуклар»да қатъий тартиблар ва қонунлар ифода этилган:

- қишлоқ оқсоқоли, шаҳар улуғлари пастроқ тоифадаги кишига зулм қилса, ўша зулмга яраша катта миқдорда жарима солинган;

- халққа жабр-зулм қилган ҳарбий киши жарима тўлаган ёки дара билан калтанланган;

- кимда-ким бировнинг тишини синдирса, кўзини кўр қилса, шаро ичса, зино ишлар билан машғул бўлса шариат қозиси томонидан тегишли жазоларни олган ва хоказо.¹

1.3. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

Амир Темур салтанатини тўрт улусга бўлди. Тунгич ўғли Жаҳонгирга Балх вилояти, иккинчи ўғли Умаршайхга Форс вилояти, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ирок ва Арманистон, туртинчи ўғли Шохрухга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистон берилди.

Темур вафотидан сўнг Хуросонда Шохрух, Балх, Ғазна ва Кандаҳорда Пирмуҳаммад, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умаршайх Мирзо билан Абубақр Мирзолар ҳокими мутлак бўлиб олади. Сирдарёдан шимолда жойлашган мамлакатлар: Туркистон, Сарбон, Утзор, Сайрам амир Бердибекнинг тасарруфида қолади. Уратепа билан Фарғонани амир XVдойдод XVсайний эгаллаб олади. Хоразмни эса Олтин Урданинг нуфузли амирларидан Идику Ўзбек эгаллаб олади².

Бу даврдаги йирик давлатлардан бири Амударёдан жанубда Шохрух давлати жойлашган бўлиб, унинг маркази Хирот шаҳри эди. Иккинчиси эса Амударёдан шимолда Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улугбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

Улугбек давлати жанубда амударё, Ғарбда Бухоро воҳасига туташиб кетган Урганжий дашти (Марказий қизилкум)нинг Шарқий ҳудудлари, шимолда Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сигнок ва Утзор шаҳарлари, Шарқ ва шимоли-Шарқда Шарқий Туркистон билан чегараланган. Улугбек гарчи Мовароуннаҳр билан Туркистоннинг ҳокими деб эълон қилинсада, аслида унинг ҳокимияти, даставвал фақат Самарқанд, Бухоро ва насаф вилоятлари билангина чекланади. Чунки Шохрух аввал бошдан Фарғонани то Узгангача Амирак Ахмадга, Хисори Шодмонни Муҳаммад Жаҳонгирга инъом қилиб, Улугбекни бирмунча чеклаб қуяди.

Бунинг устига Туркистон Шайх Нуриддиннинг тасарруфида эди. Уша вақтда у на улугбек ва на Шохрухни тан оларди. Шунинг учун ҳам хали мамлакат нотинч эди.

¹ Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти – Т.:Академия, 2000. 138-б.

² Саломов Г., Кароматов Х. Соҳибкирон Темур фожеасининг сарчашмалари. Шарқ юлдузи. 1990. №12

Мамлакатда маълум даражада ҳокими мутлак бўлиб олган Улугбек эндиликда Фарғонани амакиваччаси Амирак Ахмад кулидан тортиб олиб, бу ўлкада уз хукмронлигини урнатишга интилади. Уз мақсадини амалга ошириш учун дастлабки мустақил ҳаракатни 1414 йилда Фарғонага юришдан бошлайди. Улугбекнинг қўшинига бас келолмаган Ахмад жангсиз Андижон ва Ахсини топшириб, Уш ва Олой орқали Қашғарга кочади.

Улугбек 1415 йилда Фарғонага иккинчи марта қўшин тортади. Улугбек отасининг ризолиги билан 1425 йилнинг эрта баҳорида Мўғулистон устига юриш бошлайди. Иссиқкул яқинидаги тукнашувда Улугбек мўғуллар устидан галаба қозонади.

Улугбек умрининг охирларида XV асрнинг 30-40 йилларида отаси Шоҳрух билан Дашти қипчоқнинг Шарқий қисмида истикомат килувчи аҳолини ўзига бўйсундирган Абулхайрхонга Қарши курашишга тўғри келади (1428-1468). Бу кўчманчилар ҳар йили киш фаслида Мовароуннаҳрга бостириб кириб, ўтроқ аҳолини горат қилиб қайтардилар. Масалан, Абулхайрхон етакчилигида 1431 ва 1435 йиллари Хоразмга бостириб кириб, унинг Ғарбий қисмини Урганч билан қўшиб забт этадилар. Бирок Дашти қипчоқ кўчманчилари ва Абулхайрхон билан курашиш Улугбек ва Шоҳрух Мирзолар учун енгил кечмайди¹.


Шоҳрух вафотидан кейин авж олиб кетган сиёсий кураш шуҳратпараст ва разил Абдуллатифни жаҳолатпарастлик боткогига ботириб қуяди. Уни езув инсонга, уз отасининг котилига айлантириб қуяди. Улугбек катл этилиб, орадан бир неча кун утгач, тахт даъвогарларидан кутилиш мақсадида у уз иниси Абдулазизни ҳамда отасига содик бўлган амирларни улдириб, темурийларнинг Мовароуннаҳрдаги тожу тахтини батамом эгаллаб олади. Ғарчи ҳокимият Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари томонига утган бўлса ҳам, бу каттол падари бузруквори тахтида узок вақт ўтиролмайди. Орадан олти ярим ой утар утмас, Абдуллатифга Қарши саройда фитна уюштирилади, у 1450 йил 9 май куни улдирилади. Бу кабиҳ котилнинг калласи танасидан жудо қилиниб, Регистон майдонида Улугбек мадрасасининг пештокига осиб қуйилади.

Темурийлар давлатининг Хуросон қисми бу даврда Шоҳрухнинг невараси Абулкосим Бобур тасарруфида эди. 1457 йилгача у Хуросонни уз кулида тутиб туради. Ҳар иккала давлатлар ўртасида низо кучли бўлиб, Хуросонда сиёсий тарқоқлик жуда авж олиб кетади. Темурийлар даври муаррихларининг езишича, бу даврда Хуросон 11 бўлакка ажралиб кетади. Улар ўртасида уруш-талашларнинг тухтовсиз давом этиши, аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётига каттик путур етказиб, иқтисодий жихатдан давлатни ниҳоятда танг ахволга тушириб қуйган эди. Абулкосим Бобур Хуросонни батамом уз тасарруфига кирита олмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда майда феодалларнинг мустақил ҳокимлигига барҳам беради. Бирок 1457 йилда Абулкосим Бобур вафот килгач, вазият янада мушкуллашади. Хоразмни эгаллаб олган Султон Хусайннинг исенлари ҳаммадан кўпроқ ташвишлантиради. Бу даврда Хирот тахти Абусаид кулида эди. Абусаиддек кучли ҳокимга Қарши курашиш кийин бўлсада, Султон XVсайд XV аср 6-йилларида Хуросонда пайдо бўлади. 1469 йилда Абусаид Озарбайжон, Ғарбий Эрон ва Ироккача бўлган


¹ Саломов Г., Кароматов Х. Соҳибкирон Темур фожасининг сарчашмалари. Шарқ юлдузи. 1990. №12

вилоятларни эгаллаб турган турмкналарга Қарши юриш қилади. Озарбайжондаги Мугон чулидаги жангда Абусаид халок бўлади. Отаси улимидан сўнг Абусаид ворислари Султон Хусайн билан тукнашишга журъат эта олмай, Мовароуннаҳрга қайтадилар. 1469 йил 24 мартда Султон Хусайн Хуросоннинг ҳоқими сифатида тантана билан Хиротга кириб боради. Натижада Темурийлар давлати яна икки қисмга: Султон Хусайн ҳукмронлигидаги Хуросон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетади.


Temuriylar davlati siyosiy tusum




Temuriylar davlatida boshqaruv tizimi




Temuriylar harbiy boshqaruv tizimi



Temuriylar davri boshqaruv tizimi



Temuriylar davrida mahalliy hokimiyat



II-қисм. ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. ЎҚИТУВЧИНИНГ ТАРИХ ДАРСИ ЎТИШГА ТАЙЁРЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мактабда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишнинг самараси ўқитувчининг ўз предметини нақадар яхши билиши, дарсга тайёргарлик кўриши, дарс ўтиши, берилган билимларни мустақамлаш усулларига боғлиқ. Маълумки, ўқитувчиликни эндигина бошлаган ёш педагог тажрибали ўқитувчига қараганда дарс ўтишга тайёргарлик кўриш жараёнида кўп ишлаши лозим бўлади. Олий ўқув юртида ижтимоий-гуманитар фанлар блокадаги Ўзбекистон тарихи, умумқасбий фанлар блокадаги Ўзбекистон халқлари тарихи фанларини ўрганиш вақтида маълум тарихий давр ҳақида олган билимлари ҳали унинг эсида яхши турган бўлса ҳам, лекин у ўзидаги шу билимларни ўқувчиларнинг савиясига қараб ишга солишга ҳамиша ҳам муваффақ бўлавермайди. У олий ўқув юртида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихиша доир фактларни ҳам муайян ҳажмда билиб олган, аммо шуниси борки, олий ўқув юрти дарсликлари ва маърузаларида фактларни конкрет ва жонли қилиб баён этиш мактаб таълимида зарур бўлган даражадан камроқ бўлади.

Ёш ўқитувчининг педагогик амалиёт вақтида мактаб ҳаёти ҳақида ҳосил қилган умумий тасавури бўлади. Лекин ўқитувчиликни эндигина бошлаган ёш педагог ўқувчиларнинг психологиясини, уларнинг сўз бойлигини, фикр юритиш хусусиятларини яхши билмайди. Ёш ўқитувчи ўзининг ўқитиш усуллари ва услублари ҳақидаги билимларини амалда татбиқ этишнинг уддасидан ҳамма вақт ҳам чиқа олмайди.

Ёш ўқитувчи дарсни моҳирлик билан ғоявий ва услубий жиҳатдан юксак даражада олиб бориши учун у дарсга тайёргарлик кўриши керак.

Авваламбор шунини айтиб ўтиш керакки, ёш ўқитувчи ўқув йили бошида қайси синфларда дарс беришини билиб олгандан кейин, биринчи навбатда, курснинг ғоясини, конкрет вазифаларини, унинг ўқувчиларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини, ўқувчиларнинг курс ўтиш давомида орттирадиган билим ва малакалари нималардан иборат бўлишини яхши тушуниб олиши керак. Ўқитувчининг бу вазифани ҳал қилишга мактаб дастурлари ва дарсликларини таҳлил қилиб кўриши, шунингдек, тегишли курсларнинг услубий қўлланмаларидаги кириш бобларини ўқиб чиқиши ёрдам беради.

Тажрибали ўқитувчи мактаб дастурига ўзгаришлар киритилган-киритилмаганини билаш учун уни кўздан кечиради, холос. Ўқитувчиликни янги бошлаган киши эса ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлар нималардан иборат бўлишини, бўлим ва мавзуларнинг материални ўрганишга тахминан қанчадан ўқув вақти ажратилганини яхши билиб олиши керак. У мактаб дарслигини диққат билан ўқиб чиқиб, уни дастурга солиштириб кўриши, турли масалалар дарсликда қанчалик чуқур ва конкрет баён қилинганини аниқлаши лозим.

Ўқитувчи курснинг ҳар қайси бўлими тарих ўқитишнинг таълим-тарбиявий вазифаларини ҳал этишда қандай роль ўйнашини билиб олиши керак. У ўқувчиларда

маълум бир тарихий даврнинг умумий хусусиятларини очиб берадиган тушунчалар ҳосил қилиш ишининг умумий йўналишини белгилаб олиши лозим. Дарслик бўлимларига доир умумлаштирувчи хулосаларни, савол ва топшириқларни диққат билан ўқиб чиқиши фойдалидир. Бошқа фан ўқитувчилари билан фикрлашиб, ўқувчиларнинг билим ва малакалари нималардан иборатлигини билиб олади.

Ўқитувчи қайси тарих курсидан дарс берадиган бўлса, ўша курсларга доир қандай адабиётлар борлигини дарс беришга тайёргарлик кўриш вақтида аниқлаб олиши ва ана шу турли хил адабиётлардан фойдаланиш дастурини белгилаб олиши керак. У бу китобларнинг баъзиларини, масалан умумий услубий қўлланмаларни ўқув йили бошлангунча қадар ўқиб чиқишга, бошқаларидан эса дарсга тайёрланиш чоғида фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим.

Ўқитувчи ўзини қизиқтирган, лекин бундан аввалги иш давомида танишишга улгуролмаган монографиялар, илмий ва методик мақолалар ҳамда илмий-оммабоп китобларни ўқув йили бошланиши олдида ўрганади ёки кўздан кечириб чиқади. Ўқитувчи ўз картотекасини тузса ва уни тўлдириб борса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари ўқитувчи янги ўқув йилида ишга киришишдан олдин мазкур тарих курсига доир кўрсатмаларни ўқув куролларининг қайсилари мактабда борлиги ва қайсилари йўқлигини текширади, баъзиларини ўқувчиларга ясаттириб олишни режалаштиради, қайси видеофильмларни, альбомларни, расмларни кўрсатиш ва қаерга экскурсия ташкил қилишни белгилаб қўяди¹.

Ўқитувчи ўқув йили бошланишидан олдин календар-мавзуй режа тузади. Кўп ўқитувчилар ўртасида тарқалган «қасаллик» - ўрганиладиган материални унга ажратилган вақтга сингдира олмаслиқдир. Бундай вақтда сўнги мавзулар ўқув йили охирида шошиб-шошиб ўрганилади, шарҳлаш тариқасида ўтади. Шундай бўлмаслиги учун, материални биринчи ярим йилликка мўлжаллаб режалаштириганда, иккинчи ярим йилликнинг дастур материални ўрганишга етарли вақт қолдириш керак. айниқса, бизнинг Сирдарё вилояти шароитида ўқувчилар биринчи ярим йилликда сентябрь-октябрь ойлари пахта йиғим-теримига жалб қилинишлари, дастурда ажратилган соатларни қисқартиришга мажбур қилади. Натижада, айрим вақтларда мавзуларни қўшиб, битта дарс ичида ўтиш керак бўлади.

Дастурда мавзуни ўрганишга тахминан неча соат кетиши кераклиги кўрсатилган. Дарсларни дарслик параграфларига мувофиқ режалаштириш маъқулдир, чунки ўрганиладиган мавзу шу параграфларга бўлинган. Дарсларни режалаштириганда, вақтни шундай тақсимлаш керакки, натижада мавзуни ўрганиш таътил олдида тамом бўлсин, чала қолмасин. Календар режа тузганда ўқитувчи такрорлаш-умумлаштириш дарслари ўтказишни ҳам мўлжаллаб қўйиши лозим. Такрорлаш-умумлаштириш дарсларида оралик баҳолаш ҳам ўтказиш мумкин.

Ўқитувчининг тарих дарси беришга тайёрланишдаги навбатдаги босқич мавзу юзасидан ўтиладиган дарслар тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир.

¹ Тарих ўқитиш методикасидан маъруза матнлари. - Т., 1998

Ўқитувчининг мавзуни режалаштиришдан асосий мақсади – мавзу мазмунини назарий жиҳатдан тушуниб олишга эришишдир: ўқитувчи мавзунинг асосий ғояларини ва мантикий негизини, унинг бошқа мавзулар билан қандай муҳим боғланишлари борлигини ҳар томонлама ўйлаб кўради, кейин эса бу ишининг натижаларини қисқача мавзуий (тематик) режа тарзида тузиб чиқади. Аммо мавзу 2-3 дарсда ўрганиладиган бўлса (бундай мавзулар оз эмас, айниқса ўрта асрлар тарихи кўрсидида кўпдир, жумладан биз кўриб чиқаётган Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи мавзуси ҳам шундайлар ҳисобига киради), мавзуни ўтишга тайёрланиш айрим дарсларни ишлаб чиқиш вақтида амалга оширилиши мумкин.

Ўқитувчи, аввало, мавзунинг таълим-тарбиявий вазифаларини аниқлаб олади. У дастур ва дарсликнинг мазмунига таяниб, ўқувчиларда асосий тушунчаларни таркиб топтириш юзасидан қилинадиган иш тартибини белгилайди. Бу муҳим масалани худди шу бутун мавзуни ўтишга тайёрланиш вақтида ҳал қилиш керак, чунки ўқувчиларда кўпгина таянч тушунча ва иборалар бир-бирига боғланган дарслар давомида таркиб топтирилади. Масалан «Темурийлар ренессанси» иборасигт қайси ўринда ва қандай тартибюда кўрсатиб бериши ва умулаштиришини, ўқувчиларнинг кейин бу иборани қайси жойда ва қандай татбиқ эта олишларини билиши керак. Умуман олганда, таянч тушунчаларни конкретлашиш масаласини ва уларни очиб беришнинг айрим усуллари масаласини бевосита дарсга тайёрланиш вақтида синчиклаб танлашни ва тарих ўқитишда эришилган натижаларни ҳисобга олишни талаб этади. Тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўқитувчи томонидан «ақлий хужум», «брейншторминг», «заковат» сингари усулларни қўллаши мумкин.¹

Ўқитувчи картотекадан фойдаланиб, ўқитишнинг етакчи усулларини белгилаб олади. Бу масалани ҳал қилишда ўқувчиларга таълим беришнинг шу синф учун энг самарали бўлган усул ва воситаларни топиши керак. Масалан, «Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши» мавзусини ўтишга тайёрланилганда, Амир Темур юришлари деган дарсда харита билан ишлаш кўпроқ ўрин олиши мумкин. Амир Темур давридаги ислохотлар мавзусини ўтишда эса кўпроқ назарий материал ўрганилади ва, бинобарин, бу дарсда мантикий иш – эвристик суҳбат, дарслик матни устида ишлаш, схематик жадваллар тузиш ва улардан фойдаланиш асосий ўрин тутиши кераклиги мўлжаллаб кўйилади. Бунда «кластер» усулидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Темур тузуклари» деган дарсда «Темур тузуклари» китобидан фойдаланган ҳолда материални баён қилиш асосий роль ўйнайди. Китобдаги маълум гапларни танлаб олиб, Амир Темур насиҳатлари деган плакат тайёрлаб, уни илиб кўйиш ҳам мумкин. Амир Темур насиҳатларини ўқувчилар таҳлил қилиш асосида ўрганишади. Хуллас, дастлабки тахминий мўлжал турли дарсларда ҳар хил ўқитиш усулларини қўллаш имкониятини беради.

Мавзуни ўтишга тайёрланиш вақтида асосий масалаларнинг мазмуни ишлаб чиқилади ва уларни қайси дарсларда такрорлаш лозимлиги аниқланади: ўқитувчи илгари

¹ Маърифат. 2005. 23 феврал

ўрганилган материал қайси дарсларда ва нима учун такрорланишини мавзуий режада кўрсатади.

Ўқитувчи мавзуни ўрганиш давомида ўқувчилар билимини текшириш тизими қандай бўлиши кераклигини ҳам умумий тарзда белгилаб чиқади. Тайёргарликнинг бу босқичида ўқувчиларга бериладиган конкрет саволлар тузиб қўйилмайди, балки ўқитишдаги мақсадларга мувофиқ ўқувчилар хотирасида яхши сақлаб қолиш зарур бўлган ўқув материалнинг мазмунига белгиланади ва билимларни текширишнинг турли шакл ва усуллари бир-бирига қўшиб олиб бориш йўллари аниқланади, холос.

Ҳар бир айрим дарсга тайёрланиш – бутун мавзу юзасидан ўтиладиган дарслар тизими устидаги ишнинг давомидир. Мактабда дарснинг мавзуси одатда дастурнинг формулировкасига ёки дарслик параграфининг сарлавҳасига мос бўлади.

Ўқитувчи дарсга тайёрланганида аввалги дарс қандай ўтганини, унда нималар қилишга улгурмаганини, қўлланган ўқитиш усуллари қанчалик амалий натижа берганини, ўқувчилар нималарни яхшироқ ва нималарни ёмонроқ ўзлаштирганликларини ҳамма вақт эътиборга олади. Баъзи янги дарсда баъзи бир мураккаб муаммоларни қайтадан тушунтириб беришга, ўқувчилар малакасини ўстиришга қаратилган янги саволлар қўйишга тўғри келади.

Навбатдаги дарсга тайёрланиш қуйидаги элементлардан иборат бўлади: 1) дарснинг мақсадини белгилаш; 2) дарснинг мазмунини ифодалаш; 3) янги мазмунни тушунтириш усуллари ишлаб чиқиш ва керакли ўқув қўлланмаларни танлаш; 4) ўқувчилар билимини текширишга ва материални такрорлашни ташкил қилишга тайёрланиш; 5) уйга бериладиган топшириқларни белгилаш.¹

Кўп ўқитувчилар иш режаси тузишдан олдин керакли услубий қўлланмаларни ўқиб чиқадилар, дарсни бошлаш, давом эттириш ва тамомлаш йўллари обдан ўйлаб кўрадилар, сўнгра эса шу асосда, қилинган ишнинг якуни ўлароқ иш режаси тузилади.

Кўпчилик ўқитувчилар дарсга тайёрланишни мактаб дарслигининг тегишли параграфини ўқиб чиқиш ва таҳлил қилишдан бошлайдилар, чунки бу параграфда дарснинг фактик ва услубий асоси берилган бўлади. Ўқитувчи мактаб дарслигини ва услубий қўлланмани ўқиб чиқиб, дарснинг мақсадини белгилашни ўйлаб кўради. Дарснинг мақсадини тўғри белгилаш дарсга аниқлик киритиб, уни муайян мақсадга қаратади ва унинг ғоявий йўналишини белгилайди.

Ўқитувчи дарснинг мақсадини билиб олгандан кейин дарснинг асосий ғояларини қайси хулоса ва тушунчаларда очиб бериш мумкинлигини, ўқувчиларга хулосалар, тушунчалар, сабаб-натижали боғланишларни қандай қилиб равшан тушунтириб бериш кераклигини, бу ишда қандай қийинчиликлар туғилиши мумкинлигини мулоҳаза қилади. Ўқитувчи ўз картотекасини, ўтказган дарсларининг таҳлил баён қилинган ёзувларини ва тўплаган тажрибаси акс эттирилган бошқа материалларни кўздан кечириб, иш режасида тушунчаларни очиб беришнинг энг самарали восита ва усуллари кўрсатади, тушунчаларни конкретлаштириш учун зарур бўлган асосий фактик материални белгилайди, изоҳлаб берилиши лозим бўлган атамаларни аниқлайди. Ўқитувчи кўшича

¹ Методика преподавания истории средних веков в средней школе. – М.: Просвещение, 1970. С. 390-391

адабиётларни кўздан кечириб ёрқин баён қилиб бериладиган материал, қизиқарли детал ва тафсилотлар танлайди.

Ўқитувчи тарихий асарлардан фойдаланганда улардан тарбиявий аҳамияти бўлган ёки тушунчаларни конкретлаштиришга ёрдам берадиган фактларни танлаб олади, уларни ихчамлироқ ва тушунарлироқ баён қилиш йўлларини ўйлаб кўради, бу фактларни қачон ва дарснинг қай ерида баён қилишини, уларнинг дарснинг асосий мазмуни билан қандай боғлашини белгилаб олади. Шундай қилиб, ўқитиш усулларини ишлаб чиқиш дарс мазмуни устида ишлаш жараёниданок бошланади. Шу билан бирга ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш мўлжаллаб қўйилади.

Ўқитувчи дарснинг мазмуни ва усулларини белгилаганда дарс бераётган синфнинг хусусиятларини назарда тутиши керак. Шундай қоидага уни таълим-тарбия жараёни мажбур этади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги бўш бўлган синфда билимларни текшириш кўпроқ вақтни олиши мумкин, шунинг учун материални баён қилишда келтириладиган фактлар сонини қисқартиришга тўғри келади. Ўқувчиларнинг фаоллиги паст даражада бўлган синфда ўқитувчи уларга суҳбат асосида тушунтирмоқчи бўлган материални, вақтни тежаш учун, ўзи баён қилиб бериши лозим.

Тажрибали ўқитувчилар турли синфларда ўтказиладиган дарсларнинг турли вариантини ишлаб чиқадилар. Улар, кўпинча, параллел синфлардан бирида маълум вариантда дарс ўтказиб, шу вариантнинг камчиликларини дарров пайқаб оладилар ва назарда тутадилар, сўнгра ўша параллел синфларда ўтказиладиган навбатдаги дарсларда ўз дарс вариантларини такомиллаштирадилар.

Дарсликдаги иллюстрация материалини ва унга тегишли текстни анализ қилиш кўрсатмали ўқув қуроллари билан қандай ишлаш усулларини топишга, улардан дарсда фойдаланиш йўлларини белгилашга ёрдам беради. Дарсликда берилган хужжатлар, карталар, параграфларга тегишли савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг дарсда мустақил ишлашларини ташкил этишга, шунингдек, уларнинг билимини текширишга, материални ўқувчилар хотирасида мустаҳкамлашга ва уйда бажариш учун уларга топшириқ беришга асос бўлади.

Ўқитувчи кўрсатмали қўлланмаларни яхши билиши ва улардан қачон ва қандай фойдаланиш, уларнинг мазмунини қайси усуллар билан очиб бериш кераклигини олдиндан мўлжаллаб қўйиши зарур. Экранли қўлланмалардан фойдаланишга алоҳида тайёргарлик кўриш керак. Техника тайёргарлиги кўриш (кино апаратини ўрнатиш ва бошқалар) билан бирга, ўқитувчи тегишли диафильм ёки кинофильмни кўздан кечириб, унинг қайси кадрлари ёки қисмлари болаларга кўрсатилиши кераклигини, бу кадрлар ва қисмлар ҳақида қандай изоҳлар берилишини ёки кўрсатиладиган экранли қўлланма мазмуни тўғрисида ўқувчиларга қандай топшириқлар берилишини белгилаб олиши керак.

Билимларни текширишда, дарсликдаги саволлар ва методик қўлланмалардаги тавсиялар билан бир қаторда, ўқитувчининг ўзи томонидан тўпланган тажриба катта аҳамиятга эгадир: карточкаларга ёки ўтган йиллардаги дарс планларига ёзиб қўйилган текшириш усуллари ва ўқувчиларга берилган конкрет саволлар ўқитувчига катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Агар ўқувчилар билимли янги материални ўрганиш давомида текшириладиган бўлса, ўқувчиларга бериладиган саволларни материални баён қилиш планининг тегишли жойларига ёзиб қўйиш маъқулдир.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарс давомида эслаб қолишлари ва англаб олишлари лозим бўлган факт ва маълумотларни қанчалик билишларини текшириш кераклигини ёзиб қўяди. Кўпинча, у ўқувчилар билимини текшириш вақтида уларга мустақил хулосалар чиқартиришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Шу мақсада у ўқувчиларни онгли равишда керакли хулосалар чиқаришга яқинлаштириш учун уларнинг фикрини қай томонга йўналтириш зарурлигини яхшилаб ўйлаб кўради ва иш планига ёзади.

Ўқитувчилар ўқувчиларга дарсда асосий саволлар бериш билан бир қаторда, илгари ўрганилган материални янги материалга тематик жиҳатдан боғлаб такрорлаш, шунингдек, асосий саволларга бериладиган жавобларни тўлдириш ва тузатиш мақсадида, уларга қўшимча саволлар беришни ўйлаб қўядилар ва кўпинча бу саволларни иш планига киритадилар. Асосий саволларнинг жавобини тўлдириш ва тузатиш учун бериладиган қўшимча саволларни иш планига «нарвонча» шаклида ёзиш: асосий саволни номер қўйиб ажратиб кўрсатиш, унинг остига эса қўшимча саволларни ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсга тайёрланишда ўқувчиларнинг малака ва кўникмаларини текшириш ва ўстириш мақсадида махсус савол ва топшириқлар беришни олдиндан назарда тутиш лозим. Ўқитувчи ўқувчилар билимини текшириш усулларини белгилаганда, материалларнинг мазмунини ва V-VI синфларда ўқувчилар билимини текширишнинг турли хил усулларини навбатма-навбат қўллаш кераклигини эътиборга олади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билим даражасини ва тарих дарсига қизиқиши ҳар хиллигини назарга олиб, уларга бериладиган савол ва топшириқларни дифференциялайди. Текшириш усулларини иш планида кўрсатиб қўйиш яхшидир; бунда саволлар ёнига: «доскага чиариб», «синфдаги ҳамма ўқувчилар билан суҳбат олиб бориб», «батафсил жавоб олиш учун турғизиб сўраш», «билагон ўқувчига» каби эслатмалар ёзиб қўйилади.

Дарс планини, хусусан, такрорлаш-умумлаштириш дарси планини тузишда, ўқувчилардан олиниши лозим бўлган жавобларнинг асосий мазмунини белгилаш фойдали бўлади.

Фанни ўқитиш методикасининг ривожланиши намунали дарслар ўтказиб қолиш билан чекланиб қолмаганидек, тарих ўқитувчисининг ўз педагогик малакасини ошириш йўлидаги ишлари ҳам унинг дарсга тайёрланиши билан тугалланмайди. Дарс беришдаги энг юксак маҳорат ҳам ўқитувчининг методик ижод чегараси бўла олмайди.

Ижодий изланишлар билан ишловчи тарих ўқитувчисининг «лабораторияси» - кучли таъсир қолдирадиган ёрқин фактлар тўғрисидаги, ўқитишнинг самарали усуллари ҳақидаги, турли синф ўқувчиларининг ўқув ишлари устида олиб борилган қизиқарли кузатишлар тўғрисидаги материалларнинг оддий тўплами эмас. Бошда таълим жараёнида тасодифий эпизодлар бўлиб туюлган нарсалар, «лаборатория» даги материал системага солиб борилган сари, ўқитиш ишининг қонуниятлари бўлиб майдонга чиқа бошлайди, дарс беришнинг айрим муваффақиятли усуллари иш системасига айланди. Айрим масалаларнинг ҳал қилиниши билан янги гипотезалар туғилади, бу гипотезаларни ҳам

мактаб практикасида текшириб кўриш зарур бўлади. Шундай қилиб, ўқитувчи дарсларга тайёрланиш ва уларни дастлабки равишда анализ қилишдан аста-секин ўз фанини ўқитишнинг умумий проблемалари устида ишлашга ўтади.¹

Педагогика фанининг бир соҳаси бўлган тарих ўқитиш методикаси ишлаб чиқилиши, чуқурлаштирилиши ва конкретлаштирилиши зарур бўлган жуда кўп проблемаларни олдинга суради ҳамда ижодий иш учун, тадқиқотчилик изланишлари учун кенг имконият яратиб беради. Ана шу проблемалардан баъзилари ҳақида ушбу китобда сўзлаб ўтилди. «Метод» деган тушунчанинг энг аниқ маъноси нималиги ва методларни классификация қилиш масаласи ҳозиргача дидактикада ҳам, методикада ҳам ҳал қилинмаган. Тарих дарсларининг типлари, дарснинг мақсади, тарих ўқитишда программалаштириш имконияти, дарс вақтида дарсликдан қандай фойдаланиш кераклиги масалалари ҳозир мобоҳасали масалалардир. Ҳафтада икки марта тарих дарси ўтилганда ўқитиш натижаларини – ўқувчиларнинг билими, малакаси ва савиясини ҳисобга олиш масаласи ҳам ҳамон қийин масала бўлиб қолмоқда. Тарих ўқитиш жараёнида ўқувчиларда малака ва кўникмалар системасини шакллантира бориш масаласини ҳал қилишга эндигина кириша бошлади. Қуйи синфлардаги тарих дарслари билан юқори синфлардаги тарих дарсларини бир-бирига боғлаш, хусусан, методик жиҳатдан боғлаш, яъни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг бажарадиган ишларини аста-секин мураккаблаштириб бориш масалалари ҳам ҳал қилинмаган. Ҳозирги вақтда ўқитувчилар ва методистлар тарих ўқитиш жараёнининг актив иштирокчилари бўлган ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини рағбатлантиришга ва ташкил этишга, уларнинг бу фаолиятига раҳбарлик қилишга асосий эътибор бермоқдалар. Бирор муаммони ўртага кўйган ҳолда ўқитиш, ўқувчилар билимини ишга солиш, билимларни керакли ўринларда татбиқ эттириш, билишга ундайдиган вазифалар бериш ғоялари жуда қизиқарли бўлиб, уларни янада ўрганиш, мактабларда синаб кўриш ва амалда жорий қилиш керак.

Тарих дарси берувчи кўпгина совет ўқитувчилари, шу жумладан, V-VI синф тарих ўқитувчилари методик муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланмоқдалар. Ўз қизиқишлари, майлларига ва бошқа шароитларига қараб, улар турли масалалар устида: ўқувчиларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш методикаси, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш усуллари, болаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўтилган материални сўраш, ҳужжат ва бадиий адабиётдан, кўрсатмали материаллардан фойдаланиш, синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар сингари масалалар устида иш олиб бормоқдалар. Бу ишлар кўзланган мақсадга қанча кўп бўйсундирилса, шунча кўп яхши натижалар беради.

Тарих ўқитувчисининг ўз иш тажрибасини анализ қилиш ва умумлаштиришдаги дастлабки қадамлари – методик бирлашмада чиқиб ахборот беришдан ёки ишлаб чиқаётган методик темасини қандай ўтишини очик дарсда намойиш қилишдан иборатдир. Бундан кейин у ўз иш тажрибаси ҳақида шаҳар ва вилоят илмий-амалий конференцияларида докладлар қилади. Ягада мукамалроқ ва чуқурроқ ишлаб чиқилган темалар республика ва бутуниттифоқ миқёсидаги «Педагогик ўқишлар» да, методик

¹ Методика преподавания истории средних веков в средней школе. – М.: Просвещение, 1970. С. 390-391

журнал ёки тўплам саҳифаларида ёритилади, баъзан алоҳида брошюра қилиб босиб чиқарилади. Дарс беришнинг самарали усулларини кидириб топиш ва ўқитиш жараёни ҳақидаги кузатишларни тўплаб бориш билан бошланган иш, кўпинча, илмий тадқиқот ишига, баъзан эса педагогик темадаги диссертацияга ҳам айланиб кетади ва методика фанини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

2.2. ТАРИХ ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ

Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар системасини ўқув кўникмалари ва малакаларини эгаллаш орқали ўзларининг билимлари ҳажминини кўпайтирадилар, шунинг билан бирга илмий тушунчаларнинг туб маъноси улар онгига синга боради. Бу ишларнинг барчасини изчиллик билан кетма-кет, бир текис амалга ошириш учун ўқувчилар маълум даражада билимлар ва кўникмалар эгаллаган, қолаверса, тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) ва мантиқий фикр юритиш қоидалари ҳамда услубларини ўзлаштириб олган бўлишлари лозим.

Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқувчилар мустақил билишининг ривожлантириш тажрибаси пайдо бўлдики, бу ҳозирги замон дидактикаси мазмунини ва психологик қонуниятлар негизини ташкил қилган таълим назариясида янги концепциялар ва йўналишларни юзага келтирди.

Шундай қилиб, ўқитишнинг фаол ва инновацион методлари юзага келдики, улар қаторига таълим жараёнининг фаоллаштириш, таълим жараёнининг мазмунан умумлаштириш назарияси, ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш назарияси, таълимни дастурлаштириш назарияси, ўқувчиларда маънавий эҳтиёжни шакллантириш, ўқувчиларда билишга қизиқишни таркиб топтириш, таълимни умумлашган усуллар негизига қуриш, ҳамкорлик фаолияти ўзлаштириш самарадорлиги кафолати эканлиги, таълимни алгоритмлаштириш, муаммоли таълим назариясининг киритиш даркор. Биз ушбу бандда муаммоли вазият яратишнинг назарий асослари устида фикр юритишни лозим топдик.

Муаммоли таълим ва муаммоли вазият ўқитиш тизимида фаол, ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўналтирувчи метод сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Муаммоли таълим деганда муаммолилиқ принципларининг уйғунлашувини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳозирги замон ўқитиш жараёнининг тушуниш мақсадга мувофиқдир. Муаммоли таълим – бу мантиқий фикр юритиш операциялари (анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш, таснифлаш ва ҳоказо) ва ўқувчиларнинг изланишли (тадиқиқотчилик) фаолияти қонуниятларини (муаммоли вазият, билишга қизиқиш, маънавий эҳтиёж, англашилган мотив кабиларни) ҳисобга олиб тузилган таълим ва ўқитишнинг илгари маълум бўлган усулларини қўлланиш қоидаларининг янги тизимидан иборатдир. Шу боис у кўпроқ ўқувчи фикрлаш қобилиятининг

ривожланишини, унинг умумий тараққиёти ва эътиқоди шаклланишини таъминлашга хизмат қилади¹.

Муаммоли таълим йўли билан фаоллаштиришнинг мақсади ўқувчиларни факулда, бетартиб равишда вужудга келадиган фикрлаш операцияларига ўргатиш эмас, балки уларни тушунчаларнинг ўзлаштириш даражасини оширишлар ностереотип (ҳар хил) муаммо (масала)ларини ҳал қилиш (ечиш) учун ақлий хатти-ҳаракатлар тизимини эгаллашга йўналтиришдан иборатдир. Мазкур фаоллик шундан иборатки, бунда ўқувчи мавжуд)фактик) материалларни таҳлил қилиб, уларни тақ-қослаб, умумлаштириб, сўнгра ундан ўзига тегишли, янги ахборот, маълумот ва хабар олади. Бошқача қилиб айтганда, бу жараён илгари ўзлаштирилган ҳамда аввалги билимларни янгича қўллаш (кўчириш) ёрдамида билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, яққоллаштириш, равшанлаштириш демакдир. Аввалги билимларни янги вазият, шароитга янгича қўллашни уддасидан чиқиш ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, у ўқитувчи ёки тадқиқотчининг бевосита раҳбарлигида амалга оширилади. Шунинг учун ушбу вазият ўқувчининг изланиши, ижодий фикрлаши орқали ўз ечимини топади. Ўқувчилар томонидан ижодий изланишга ўрганилиши, шу ўқув кўникмалари ва малакаларини йиғилишига, бундай тажриба эса ақлий фаолият сифатининг ўзгаришига, илмий, танқидий, мантиқий, мустақил ва ижодий фикр юритишга олиб келади.

Муаммоли вазият – бу ўқувчиларнинг ўқитувчи мазкур шароитда тушунтиришларини идрок этиш йўли билан билимларни эгаллашга ва фаолият усулларини ўзлаштиришга доир вужудга келган ҳолатни мустақил (ёки ўқитувчи ёрдамида) таҳлил қилиш, муаммони таърифлаш, таклифлар ва гипотезалар воситасида асослаш ҳамда исботлаш, текшириш йўли билан ҳал қилишга тааллуқли билиш, изланиш фаолиятидир.

Дарсларда муаммоли вазият яратиш ўқитувчидан катта маҳорат ва билим талаб қилади. Ҳатто, ўқув материални баён қилиш у ёқда турсин, дарс мавзуси ҳам ўқувчини ўйлантирадиган, мулоҳаза юритишга ундайдиган ҳолда ифодаланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Муаммоли вазият – бу ўқувчининг юз берган ҳодисани, фактни, воқелик жараёнини қандай тушунтиришни билмайдиган, унга маълум бўлган ҳаракатлар, усуллар билан мақсадга эриша олмайдиган даврда вужудга келган интеллектуал қийинчилик жараёнидир. Бу ўқувчини янги тушуниш йўллари, фаолият усулларини изланишга ундайди. Муаммоли вазият продуктив, ижодий билиш фаолиятининг қонуниятидир. У фикрлашнинг бошланиши жараёнини шарт қилиб қўяди, фаол фикр юритиш фаолияти муаммоларини қўйиш ва ҳал қилиш кезида намоён бўлади.

Муаммоли таълимни тўрт даражага ажратиш мумкин:

А) мустақил бўлмаган, одатдаги, фаоллик даражаси – ўқитувчи тушунтирганини ўқувчи томонидан идрок этилиши, муаммоли вазият шароитида ақлий меҳнат усулларини (намуналарини) ўзлаштириш, ўқувчилар томонидан мустақил ишларнинг бошланиши, эса тушириш хусусиятига эга бўлган машқлар, оғзаки эса тушириш;

¹ Шоназаров +. Тарих дарсларида муаммоли таълим ва муаммоли вазият.// Халқ таълими 1998 йил 5-сон – 41-44 б.

Б) ярим мустақил фаоллик даражаси – илгариги билимларни янги вазиятларга қўллаш ва ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан қўйилган ўқув муаммоларининг ечиш усулларини излашда иштирок этишлари билан тавсифланади;

В) мустақил фаоллик даражаси – репродуктив изланиш типигаги ишларни бажариш, бунда дарслик матни билан ўқувчининг ўзи ишлайди, илгариги билимларини янги вазиятда қўллайди, қайта куради, ўзгартиради, ўртача мураккабликдаги муаммоларни, топшириқларни ҳал қилади, ўқитувчининг ёрдами билан фаразларни исботлайди;

Г) ижодий фаоллик даражаси – ижод тасаввурларини талаб этувчи, мантикий таҳлил қилиш, ўйлаб топишни, ўқув муаммоларини ҳал қилишнинг янги усулларини кашф этишни, мустақил исботлашни, мустақил хулосалар чиқаришни, умумлаштиришни, кашвиёт ва ижодий фаолият маҳсулини талаб қилади¹.

Психологлар ва дидактикларнинг кўрсатишича, муаммоли таълим жараёни тўртта асосий таркибга ажратилади:

- 1) умумий муаммоли вазиятни англаш;
- 2) уни таҳлил қилиш, муаммони яққоллаштириш;
- 3) муаммони ҳал қилиш (гипотезаларни илгари суриш, асослаб бериш, уларни саралаш ва тадбиқ этиш);
- 4) муаммонинг тўғри ҳал қилинганлигини текшириш ва баҳолаш.

Муаммоли вазият олдидаги асосий вазифалари (функциялари) қуйидагилардан ташкил топган бўлиши мумкин:

А) билимларни ижодий ўзлаштириш малакаларини шакллантириш (мантикий фикрлаш усуллари, ижодий, изланишли фаолият воситаларини қўллаш);

Б) билимларни янги шароит ва вазиятга, ҳолатга ижодий қўллаш (кўчириш) малакасини ва муаммони ҳал қилиш кўникмасини ҳосил қилиш;

В) ижодий фаолият тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш.

Замонавий педагогик технологиялар узлуксиз таълимнинг мустақил тури бўлиб ўрта махсус, касб-хунар таълими олдида қўйиладиган давлат таълим стандартларга мувофиқ, мазкур таълим муассасалри таълим- тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм- фанининг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли касб-хунарли Она –Ватанга садоқатли, миллий ва умуминсоний қадриятлар, руҳан тарбияланган ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат жамият ва оила олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим технологиялардан фойдаланишини тақозо этади.

¹ Халқ таълими 1998 йил 5-сон. 46-б.

Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришни талаб этади. Чунки педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлашни амалга оширмай туриб, ҳарқандай замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиши кутилган натижани бермайди.

Педагогнинг ўқувчи шахсига бўлган инсонпарварлашган муносабатини тарбияланувчиларни севиш, уларни ишончини қозониш, уларнинг тақдири учун қайғуриш, мулоқот маданиятининг юқорилигини, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни мажбурлашдан воз кечиш, аксинча ижобий рағбатлантириш усулларида фойдаланиб мақсадга эришиш, ўқувчиларда учрайдиган камчиликларга объектив муносабатда бўлиш, уларни бартараф қилишнинг энг самарали йўллари қўллашда намоён бўлади.

Ўқув жараёнининг демократлаш ўқитувчи ўқувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, ўқувчиларга танлаш, фикрини эркин баён этиш ҳуқуқини бериш, уларни бу борада хатога йўл қўйиши мумкинлигини ҳисобга олиш.

Таълим-тарбия жараёнида вужудга келган янги педагогик муносабатлар мазкур жараёнда ЗПТларни қўллашнинг такозо этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида

1. Модулли таълим технологияси

2. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси

3. Дидактик ўйин технологияси

4. Муомала таълим технологиясидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган.

-Модулли таълим технологиясининг ўзига хос жиҳати ўрганилаётган мавзубўйича ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлашига имкон берадилар.

Модулли дастур тузлади. Ўқувчилар модул дастури ёрдамида мустақил ва ижодий ишлаб дарсдан кўзланган мақсадга эришадилар. Асосан модулли таълим технологияларидан: ўқувчиларда дарслик, илмий оммабоп ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида фойдаланилади.

-Таълим-тарбия жараёнида ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир ўқувчини ўқишдан муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини билган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув мазмунини пухта ўзлаштиришга, топшириқларни сифатли бажаришга, бошқалар билан ҳамкор бўлиб ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди. Бунда ҳар бир ўқувчини ақлий фаолиятга, мустақил ва ижодий фикр юритишига ўргатиш, шахс сифатида шахсий қадир -қимматини, онгий мустақилликни тарбиялаш ва ўз кучига ва қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ўқиш жараёнида маъсулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутди.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг асосий ғояси; ўқувчиларни ҳамкорликда ўқишга ўргатиш, улар орасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва фирк алмашинувини вужудга келтиришдир.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларидаги дарсларда ҳамкорликда ўқитиш технологиясини гуруҳларида ўқитиш, зигзаг ёки арра, биргаликда ўқиймиз,

микрогуруҳлар ижодий ишлашни ташкил этиш методларидан фойдаланиш йўлларини белгилайди.

-Дидактик ўйин технологиялари таълим тарбия жараёнининг дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилади. Бундаф ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, нутқ мулоқот маданиятини ривожлантириш, онгли равишда касбга йўллаш, дарслик ва қўшимча адабиёт устида мустақил ишлаш, ҳар хил вазиятларни таҳлил қилиб тўғри хулоса ясашга замин тайёрлайди.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим- тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйиб, самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти мазкур жараёнда, замонавий педагогик технологияни мунтазам, изчил таҳлил қилиб бориш, лоиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш, методларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш (таълим методлари), олинини зарур бўлган натижани олдиндан таҳлил қилиш. (мақсадларни амалга оширишга эришиш), таълим жараёнини яхлитлигини таъминлаш каби тамойилларига асосланган ҳолда, илғор педагогик технологияларни таълимга жорий қилиш ишларини умумлаштириш ва ҳаётга қўллаш учун қуйидаги талабларга амал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

1.Таълим жараёни иштирокчилари (ўқувчи-ўқитувчи) ўртасида: ўқув меҳнати иш режасини ишлаб чиқиш бунда ўқитувчи бўлиш ва боб ўрниш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти ўқитувчи дарсларни ўтаверади ҳамда қайси дарсда қандай ўқув-билув фаолияти амалга оширишидан ўқувчилар мутлақо ҳабарсиз бўладилар. Ўқувчи учун ҳар бир давр одатдаги дарсга айланиб қолади ва у дарснинг пассив иштирокчилигини бўлади. ЗПТ тамойиллариидан бири бўлган ўқув меҳнатининг ўқитувчи-ўқувчи ўртасида изчил ва режалаштирилган тақсимоли ўқитувчилар таълим жараёнининг изчил бошқаришни талаб этади.

2.Фаннинг ички боғланиши имкониятидан мақсадли фойдаланиш

маълумки ҳар бир ўрганиладиган кичик мавзу олдин ўрганилганига таянади. Бунда ўқувчини янги бўлим, бобни ўргатишда, ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимларнинг янги мавзу учун етарли бўлмаса, оралиқ тайёргарлик олиб бориш ва шундан кейингина билимларни ўзлаштиришнинг кейинги босқичига ўтиш лозим.

3.Ўқув бирликларини белгилаш.

Ўқув бирликлари ўқувчи ўрганиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат бўлиб улар орасидаги мантикий боғланишни мавжудлиги шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқув режасини тузишда ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар, чораклар бўйича аниқлайди ва ўқувчиларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб берилади. Берилган топшириқлар ўқувчининг ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади.

4.Дијагонистик таҳлил. Билимдаги нотекистикларни аниқлаш, уларни тўлдириб ва келгуси ўзлаштириш босқичига кўтариш мақсадида дијагонистикалаш амалга оширилади.

Тест –сўров натижаларини дијагонистик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади; 1. Қайси ўқувчи қайси ўқув бирликларида қийналди; 2. Ўқитувчилар қайси билимларини кенгайтирилиши лозимлигини аниқлайди.

5.Тузатиш кириш. Бўлим, боб ўзлаштириш даражаси диагностик таҳлил натижасида 50 кам курсаткич берса, ўқитувчи таълим жараёнининг боришида тузатиш кириши лозим. Тузатиш киритишда куйидагилар бажарилади.

- Кайта ўрганиш лозим бўлган мавзуларни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиш
- Ўқитувчилар ўзлаштирилиши кийин бўлган мавзуларни аниклаш (таҳлил қилиш)
- Ўқув режасига тузатиш киртиш, соатларни белгилаш
- Зарур ҳолларда орқага кайтишни режалаштириш;

6.Кутилган натижани олиш – бу янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижаси кафолатли бўлишини талаб қилар экан, жараён боришининг кўзда тутилган мақсад амалга ошириши ва натижали бўлишини режалаштиришини ўқитувчи олдида вазифа қилиб қўяди.

Ўрта махсус ва касб таълим муассасаларидан таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишида ўқитувчиларга куйидаги дарс турлаи тавсия этилади;

- 1.Маъруза (кириш маърузаси, муаммоли маъруза, умумлаштирувчи маъруза);
- 2.Семинар дарс
- 3.Модулли дарс
4. Муаммоли дарс
5. Мунозарали дарс
6. Дидактик ўйин дарси
7. Синов дарслари

Ўқитувчи ўрганилаётган фаннинг боб ва мавзуларнинг дидактик мақсади, таълим мазмунидан келиб чиқан ҳолда юқори самара берадиган дарс турини белгилайди, шу билан бирга ўқув йили бошидан талкин – режада режалаштирилади.

Таълим-тарбия жараёнида ЗПТ лардан ўз ўрнида фойдаланиш ўқитувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттиради. Билим фаолиятини фаоллаштиради. Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига юқори даражада бўлишига имкон яратади.

2.3. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишга мактабда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам катта ўрин ажратилади. Одатда бу мавзу 3-га дарс ичида ўтилади. Булар «Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлашган давлатга асос солиши ва ҳукмронлиги», «Темурийлар даврида Мовароуннаҳр» ҳамда «Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти». Мавзулар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Айниқса тарих йўналишларида умумқасбий фанлар блокадаги «Ўзбекистон халқлари тарихи» фанини ўрганишда «Амир Темурнинг тарихий саҳнага кириб келиши», «Амир Темурнинг ҳарбий юришлари», «Темур тузуклари», «Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳр» , «Темур ва Темурийлар даври маданияти» мавзулари ўрганилади. Мавзулар бошқача номланиши мумкин, лекин мазмуни ва мақсади бир бўлади: Амир Темур ва Темурийларнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнини кўрсатишдан иборатдир.

Дарсликда келтирилган материаллар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Уларни ўрганишга услубий ёндошувларга келсак, даставвал шуни айтиб ўтиш жоизки, талабалар мавзу юзасидан таянч тушунча ва ибораларни ўзлаштириб олишлари, англаб етишлари жуда муҳимдир. Таянч тушунча ва ибораларнинг маъносини мавзуни баён қилиш пайтида очиб бериш керак. Амир Темур ва Темурийларнинг Ўзбекистон тарихидаги ўрнига доир масалани муҳокама қилиш учун вақт ажратиш зарур. Бунда ўқитувчи мавжуд кўплаб адабиётлардан, жумладан қуйидагилардан фойдаланиши мумкин:

- Темур тузуклари
- Низомиддин Шомий. Зафарнома
- Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома
- Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни
- Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар даври тарихи ва бошқалар.

Мавжуд материал Темур ва Темурийлар тўғрисидаги билимларни янада чуқурлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса талабаларнинг фанни тўлақонли ўзлаштириб олиши учун, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун зарурдир.

Шунингдек, ўқувчиларнинг эътиборини бошқа фанлар (манбашунослик, тарихшунослик, атамашунослик, тарихий география) билан фанлараро алоқаларига қаратиш лозим.

Буларнинг ҳаммаси Амир Темур ва Темурийлар даври ҳақида турли-туман тасаввурларни тартибга солишга, бу давр ҳақида билимларни ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Амир Темур даври тарихини ўрганишда авваламбор замондош тарихнависларнинг асарлари, ҳозирги замон адабиётлари билан танишиб чиқиб, қизиқарли маълумотларни конспект қилиб олиш муҳим аҳамият касб этади. Дарсликдаги материаллар ўқувчи ва талабаларга мавзу юзасидан умумий тасаввур беради. Мавзуни ўрганишда ўқувчи ва талабаларга Амир Темур сиёсий саҳнага кириб келганда, Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият қандай бўлганлигини, унинг Амир Ҳусайн билан муносабатлари ўзгарганлигининг сабаблари, юришлар натижасида давлат сарҳадларининг кенгайиб бориши, марказлашган давлат тузхиши ва бошқа масалаларни тушунтириб бериш зарур.

Амалий машғулотларда талабаларда ўз ижтимоий кўникмалари ва маҳоратларини такомиллаштириш имконияти бор. Бу кўникма ва маҳоратлар қуйидагилардир: хатти-ҳаракатнинг турли усулларига, жумладан стереотипларга (намуна, қолипга) танқидий баҳо бериш; ўз хатти-ҳаракатларининг эҳтимолий оқибатларини таҳлил қилиш; ҳар бир кишини тинлай олиш ва бир-бирининг фикрини эшита билиш ва шу асосда жавобларни баҳолаш; жамоада самарали ҳамкорлик.

«Интерфаол» атамасини ишлатаётганда, кўпинча фойдаланувчининг компьютер билан интерфаол тартибда ишлашини назарда тутадилар. Бу атаманинг педагогикадаги талқинига келадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим: интерфаол (ингл. interaction – ўзаро таъсир) – бир неча кишининг, айтиб ҳолда эса ўқувчилар ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги самарали фаолияти демакдир. Интерфаоллик қўйилган вазифани ҳал этиш учун ҳаракатларни бирлаштиришни, баҳс иштирокчиларининг

маънавий жихатдан ўзаро бойишини, ижодий ташаббускорликни рағбатлантиришни, баҳс олиб бориш қоидаларига риоля қилишни ва бир-бирини ҳурмат қилишни кўзда тутди¹. Интерфаол услубнинг муҳим тамойилларидан бир шундан иборатки, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси таълимнинг асосий негизи бўлади. Бундай ёндашишда масалаларни ечиш жараёнининг ўзи ҳам жавоб сингари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки мақсад талабаларга тайёр жавобни беришда эмас, балки уларга мустақил ечим топиш кўникмаларини сингдиришдадир.

Дарснинг бошида талабаларни бўлажак мунозарага тайёрлаш, мавзуга оид аввал ўзлаштирилган ижтимоий ва ўқув материалларини эсга олиш имконини бериш муҳим аҳамиятга эга. Буни мавзунинг асосий тушунча ва иборалари вужудга келтирадиган муайян тасаввурлар ҳақида талабалардан сўраш йўли билан амалга ошириш мумкин. Янги нарсаларни ўрганаётганингизда, сиз нимадандир келиб чиқишингиз, ниманидир асос қилиб олишингиз керак, деган ягона умумий қоидани масалаларни ечишнинг муҳим қисми деб ҳисоблаш зарур. Яъни, масала талабаларнинг дарсдаги фаолиятининг асословчи сабаби (мотивацияси) тўғрисида кетмоқда. Энг аввало, бу ўқувчиларга тарихдан илгари олинган билимлардан маълум бўлган жихатлардир. Бироқ бунинг ўзи камлик қилиши аниқ. Эслатиб ўтганимиздек, мунозара самарали бўлиши учун мулоҳазалар учун бошланғич асос талабаларнинг шахсий тажрибаларидан олинган бўлиши лозим.

¹ www.google.uz

ХУЛОСА

Педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Йўлдошев ўзининг «Таълим янгилашиш йўлида»¹ куйидаги схемаларни келтирган:

Педагогик технологиянинг мониторинги

1 босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
2 босқич	Тушуниб етиш	Ўзлаштирганни исбот эта билиш
3 босқич	Татбиқ эта билиш	Ҳонун-қонидани танлаш ва қўллаш
4 босқич	Таҳлил эта билиш	қиёслаш, хулосалаш, ўзаро боғлаш
5 босқич	Синтез	Ахборотни ижодий қайта ишлай олиш
6 босқич	Баҳо олиш	Янги билимга ўтиш

Ўқитиш пирамидаси

5 %	Маъруза
10 %	Ўзига ўқиш
20 %	Аудмо-видео орқали ўқиш
30 %	Кўргазма-намойишлар орқали ўқиш
50 %	Баҳс-мунозара (кичик гуруҳлар) орқали ўқиш
75 %	Ўқув жараёнини амалиёт билан боғлаш
90 %	Бир-бирини, бола-болани якка тартибда ўқитиш

Педагогик технология, ўқувчилар қай тарзда, қандай усуллар билан ўқитилса, натижа самарали бўлади, деган саволга жавоб беради. У ўзининг муайян тизимига эга бўлиб, бунда компонентларнинг кетма-кетлиги, ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги сақланади.

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташҳис қилиш, натижалаш, тузатиш ва ўзгаришлар киритиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимдан кутиладиган натижага эришилади, вақт тежалди. Таълим жараёнига янгича ёндошиб, ижодкорлик, бунёдкорлик татбиқ этилсагина таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;
- ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ошади;

¹ Йўлдошев Ж. Таълим янгилашиш йўлида.- Т.:Ўқитувчи, 2000 – 26-28 б

- билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;
- ўз билимини ўзи бойитишга ишонч пайдо бўлади;
- шахснинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топб олиши учун муҳит яратилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бугунги кунда республикада амалга оширилаётган улокан бунёдкорлик ишлари, ислохотлар, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ошиб бориши натижасида жамият ижтимоий соҳанинг марказий бўғини ҳисобланган халқ таълимида ҳам туб ислохотлар рўй бермоқда. У янгиликлар, ёшлар таълим-тарбиясини такомиллаштириш, уларнинг мазмунини, узлуксизлигини таъминлаб берувчи янги ҳужжатлар, педагогик технологиялар, амалиёт услублари билан бойиб бормоқда.

Республика Президенти ва ҳукуматимизнинг таълимни ривожлантириш, ёш авлодга жаҳон андозаларига мос билим, иқтидор ва кўникмалар бериш, уларни она-Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида кўрсат аётган доимий ғамхўрлиги туфайли таълим-тарбия ишларининг бугунги қиёфаси тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда таълимнинг ҳали жаҳон амалиётида камучрайдиган миллий модели яратилди ва жорий этилмоқда. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “халқ таълимини тубдан ислох қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда. Лекин, истиқболимиз, истиқлолимиз кўзи билан қараганда, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-ҳаражатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай ҳаражатларни қоплаши ва оқлаши муқаррардир”.¹

Мазкур мавзунинг долзарблиги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бугунги кунда ҳам биз Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, ўгиту насихатларини ўрганиб келмоқдамиз.

Амир Темур 1371-1404 йиллар орасида Мўғулистон, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, сурия, Ҳиндистон, Гуржистон, Арманистон, Кавказ орти ўлкалари устига ҳарбий юришлар қилди. Биз узок ўтмиш, эски замон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг қонунияти ва ўша замонлардаги ҳукмрон мафкурадан келиб чиқадиган бўлсак, бундай урушларнинг объектив қонуниятлари борлигини очиқ англаймиз. Ушбу қонуниятлар Б.Аҳмедов фикрича қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, қадим замонларда ва ўрта асрларда ўтган хонлар ва подшоҳлар ўз ижтимоий табақасининг намоёндалари, ўша бой-бадавлат табақалар тарафидан тахтга ўтқизиб қўйилган кишилар эдилар. Модомики, шундай экан, улар ўз табақасининг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилишлари, яъни катта урушлар олиб бориб, уларнинг ер-сувларини кўпайтиришлари, мўмай ўлжа олиб, уларнинг бойлигига қўшимча бойлик қўшиб, уларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишлари керак эди. Бунинг уддасидан чиқолмаган хон ва подшоҳларни улар тутиб турмас ва тахтдан улоқтириб ташлаб, ўзларига кераклисини ўтқизар эдилар. Тарихий манбаларда бу ҳақда кўп мисоллар бор.

Иккинчидан, ўша замонларда хонлар ва подшоҳлар орасида жаҳонгирлик, яъни жаҳонга ҳоким бўлиш, ҳеч бўлмаганда унинг катта қисмини бўйсундиришга интилиш

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Т.:Шарқ, 1997. 19-б.

одати бор эди. Масалан, Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезар, Чингизхон мана шундай хукмдорлар жумласидан эдилар.

Амир Темурнинг жаҳонгирлик фаолиятида ҳар иккала омил ҳам маълум даражада мавжуд, лекин масалага ҳаққоний ёндошадиган бўлсак, Темур фаолиятида мамлакатнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш, яъни уни ташқи душмандан ҳимоя қилиш, ўз халқи, Ватанини жаҳонга машхур этиш истаги асосий ўринни эгаллаган.

Мамлакатимизнинг XIV асрнинг иккинчи ярмидаги аҳволига бир назар ташлайлик. Чингизхон хуружидан бери шаҳарларимиз вайрон, зироатчилик, хунармандчилик ва савдо-сотик тушкун бир аҳволга тушиб қолган эди. Нафақат Мовароуннаҳр, балки қўшни мамлакатларда ҳам феодал тарқоқлик, парокандалик ва ўзаро урушлар авжига минган, айрим ҳарбий-сиёсий гуруҳларнинг нафақат ўзларининг яқин қўшнилари ерига, балки Мовароуннаҳр устига ҳам қилган талон-тарожлик хуружлари кучайган эди. Халқимизда «қўшнинг тинч – сен тинч» деган нақл бор. Қўшни мамлакатлар тинч бўлмагандан кейин, Мовароуннаҳрда тинчлик, барқарорлик, иқтисодий ва маданий юксалиш қаёқдан бўлсин?!

Амир Темур ўзининг ички ва ташқи сиёсатида асосан мана шу омилга суяниб иш тутди. Амир Темур кўп йиллик курашлардан кейин ўз юртида феодал тарқоқлик ва парокнадаликка барҳам берди, эл-юртни мўғуллар истибдодидан озод қилди, марказлашган давлат тузиб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштирди.

Тўхтамишхон ва Олтин Ўрдининг тор-мор этилиши нафақат Мовароуннаҳр, балки Россия, Шарқий Европа учун, бутун жаҳон тинчлиги учун зўр аҳамият касб этди.

Бу ҳол, биринчидан, Россиянинг мўғуллар зулмидан озод этилишини ҳеч бўлмаганда 300 йилга тезлаштирди.

Иккинчидан, шарқий Европа халқларининг ҳам мўғуллар ҳукмронлиги остига тушиб қолишининг олдини олди.

Учинчидан, 1395 йили Тўхтамишнинг тор-мор этилиши Олтин Ўрда, Туркия ва Миср ўртасидаги ҳарбий-сиёсий иттифоқнинг шаклланишига йўл қўймади. Бунинг билан катта жаҳон урушининг олди олинди.

Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом устига қилинган уруш эса, биринчидан, бу мамлакатлардаги феодал тарқоқлик ва ўзаро урушларга чек қўйди ва, иккинчидан, энг муҳими, Узоқ Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатларининг Ўрта ер денгизи бўйидаги мамлакатлар ва улар орқали Европа билан кўп асрдан бери узилиб қолган иқтисодий (савдо-сотик) ва маданий алоқаларини қайтадан тикланишига имкон яратиб берди.

Амир Темур бир умр отдан тушмай урушлар олиб борди. Жуда кўп мамлакатларни истило қилди. Лекин уларнинг биронтасини ҳам ўз давлати таркибига қўшиб олмади, аксинча аввалги ҳокимлари ёки уларнинг авлодига топшириб қайтди. Бу ҳол XIV асрнинг 80 йиллари бошигача давом этди. Лекин, маҳаллий ҳукмдорлар: Музаффарийлар ҳам, Жалоирийлар ҳам, Қора қуюнлилар ҳам, Мозандарон ва Журжон саййидлари ҳам тиниб-тинчимадилар. Тез-тез исён кўтариб, мустақиллик эълон қилавердилар. Шундан кейин, охири бўлмагач, у ерларга ҳоким қилиб ўз ўғиллари ва набираларини юборди. Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир - Ғазнига, Шохрух- Хуросонга, Пирмуҳаммад ибн

Умаршайх – Шерозга, Мироншоҳ – Султонияга, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонга ҳоким этиб юборилдилар¹.

Хуллас, Амир Темур ўз мамлакатининг манфаати, тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашди, душманларининг фитнасини олдиндан билиб, унинг чора-тадбирларини кўрди. Тарихда Амир Темур буюк саркарда, буюк давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси бўлиб қолаверади.

Бугунги кунда таълим –тарбия жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этиш заруратга айланди. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий йўналишлари:

- таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмини яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;
- бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи – янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режаси, ўқув дастурлари, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндашиш, уни янгича ташкил этиш зарурияти туғилмоқда.

Президентимиз И.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, биз «мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлод қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ш ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак». Шу сабабли ҳам биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, билим, кўникма ва малка, балки умуминсоний маданиятни ташкил этувчи-ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қўйилди.

Бу ғояни, фикримизча, ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий-амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар.);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий ижтимоий ва тиббий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириладиган бойликлар).

Ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақилликни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака ва кўникмаларни, уларда кузатувчанликни, тафаккур ва боғланишли нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашга имкон берувчи дидактик принцип – бу таълимдаги фаолликдир. Фаоллик мезонлари онглилик принципи билан бевосита алоқадор. Чунки фаоллик бир жойда онглилик бўлади².

¹ Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари – 61-б.

² Йўлдошев Ж./ Таълим янгиланиш йўлида.- Т.:Ўқитувчи, 2000.- 21-28 б.

Бундай тизимда ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам таълим-тарбия жараёнига биргаликда масъулдирлар. Улар биргаликда ҳар бир ўқувчининг билим ва қобилиятини, индивидуал эҳтиёжларини аниқлайдилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи фақат «бахоловчи» эмас, балки янги билимлар етказувчи манбага айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Т.:Шарқ, 1997.
2. Амир Темур жаҳон тарихида – Т.:Шарқ, 1996.
3. Аҳмедов Б. Амир Темур (тарихий роман) – Т., 1995
4. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур.- Т., 1996
5. Аҳмедов Б. Амир Темур ҳақида ҳикоялар – Т., 1998
6. Аҳмедов Б. Улуғбек (эссе) – Т., 1989
7. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т., 1992. 86-120 бетлар.
8. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари – Т.:Шарқ, 2001
9. Аҳмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур (жизнь, общественно-политическая деятельность)- Т.,1999
10. Замонавий университет таълим тизимида фаннинг ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси маърузалари тўплами.- Гулистон, 2004.
11. Зоҳидов П. Темур даврининг меъморий қаҳқашони – Т., 1996
12. Йўлдошев Ж. Таълим янгиланиш йўлида – Т.:Ўқитувчи, 2000
13. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.- Т., 1992.
14. Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане – СПб, 1846
15. Клавихо Р.Г. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403-1406 гг. – М., 1990
16. Методика преподавания истории средних веков в средней школе. – М.:Просвещение, 1970.
17. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. – Т.:Фан, 1996
18. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1968
19. Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти – Т.:Академия, 2000.
20. Саломов Г., Кароматов Х. Соҳибқирон Темур фожеасининг сарчашмалари. Шарқ юлдузи. 1990. №12
21. Сомон йўли. Амир Темур ҳаётига бағишланган – Т.,1992
22. Тарих ўқитиш методикасидан маъруза матнлари.- Т.,1998
23. Темур тузуклари – Т., 1992
24. Умняков И.И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы. // В книге: История Самарканда. Т.1. – Т., 1969. С.173-195
25. Файзиев Т. Темурийлар шажараси – Т., 1995

26. Якубовский А.Ю. Тимур (опыт краткой характеристики) // Вопросы истории. №8-9.
27. Яздий Ш.А. Зафарнома. – Т.:Камалак, 1994
28. Маърифат. 2005. 23 феврал
29. Шоназаров Қ. Тарих дарсларида муаммоли таълим ва муаммоли вазият.// Халқ таълими 1998 йил 5-сон
30. www.google.uz ; www.ref.uz; www.fergana.ru

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима.....	3
1-қисм. Амир Темур ва Темурийлар тарихини ўрганиш бўйича материаллар.....	6
1.1. Амир Темурнинг наслу насаби, фазилатлари, ишлари, одатлари.....	6
1.2. Амир Темур давлатидаги бошқарув тизими.....	12
1.3. Амир Темур ва Темурийлар давлати.....	19
2-қисм. Тарих дарсларини замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларда ташкил этиш масалалари.....	27
2.1. Ўқитувчининг тарих дарси ўтишга тайёрланиш босқичлари.....	27
2.2. Тарих дарсларида муаммоли таълим.....	36
2.3. Назарий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар.....	44
Хулоса.....	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	53

Техник муҳаррир ва компьютер вёрсткаси М.Баймуратова

Гулистон давлат унниверситетининг Ўқув-методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (№2 баённома, 2007 йил 10 октябр)

